

ЭРКИН ВОҲИДОВ

821
В-89

Себми
Решмиди
Набдифорки

• ШЕРРАР •

16+



821
B-89

ЭРКИН ВОХИДОВ

Добро
Рухна
Набавот

- 2245 -

• ШЕРРАР •

«O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TALLIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

Давлат илмий нашриёти
Тошкент - 2018

УЎТ: 821.512.133-1(081)
КБТ 84(5)6
В 89

В 89
Воҳидов, Эркин.

Севги шундай навбахорки: Шеърлар/
Эркин Воҳидов. – Т.: «O'zbekiston milliy ensiklo-
pediyasi» Davlat ilmiy nashriyati, 2018. – 144 б.

Ушбу сайланмида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ
шoirи Эркин Воҳидов қаламига мансуб инсон қалбининг энг инжа
тўғуси – муҳаббат тараннуми ҳақидаги шеърлар жамланган.

УЎТ: 821.512.133-1(081)
КБТ 84(5)6

ISBN 978-9943-07-645-7

© Э. Воҳидов, 2018.
© «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»
Davlat ilmiy nashriyati, 2018.

Севги шундай навбахорки

СЕВГИ ШУНДАЙ...

Севги шундай навбахорки,
У тикандин гул қилур,
Тошга жону тил бағишлаб,
Зоғни ҳам булбул қилур.

Севги шундай дард эрурки,
Барча бўлғай мубтало,
Мубтадони неки қилса
Теба бу кўнгул қилур.

Севги шундай тангридирки,
Унга тенгдур шоҳ, гадо,
Қулни айлаб шоҳу султон,
Шоҳни бўлса қул қилур.

Севги шундай бир оловки,
Жонга ундан йўқ омон,
Гулханида ўртаб-ўртаб,
Бир кун охир қул қилур.

Севгинингдур ҳукми мутлақ,
Истаса шайдоларин
Чашми гирёнидан уммон,
Оҳидан довул қилур.

Севгига шеър битдинг, Эркин,
Бесабаб эрмаски, ишқ –
Айлагач кўнгулни ишғол,
Шеър ила машғул қилур.



* * *

Қаро қошинг,

қадам қошинг,

Қийиқ қайрилама қошинг, қиз,

Қилур қатлимига қасд қайраб —

Қилич қотиб қарошинг, қиз.

Қафасда қаб қушин қийнаб,

Қанот қоқмоққа қуймайсан.

Қараб қўйишга қиё,

Қалбимни қиздирсин қуёшинг, қиз.



СЕВГИ



Ўн саккизга кирмаган ким бор,
 Боғингдан гул термаган ким бор.
 Сен ҳақингда ёзиб турт сатр,
 Сирдошпига аста кўрсатиб,
 Қўшни қизга бермаган ким бор.

Дастлаб ҳар ким қадам олган он
 Ёниб сени қуйлар беғумон.
 Маскан қуриб ҳар бир кўнглидан,
 Ошиқларни қолдириб тилдан,
 Шоирларни қилурсан бийрон.

Тушдим чоғи мен ҳам домингта,
 Зағу ҳислар бахш этдинг мента,
 Ҳаётимга зар давҳа бўлдинг,
 Илк шевримга сарлавҳа бўлдинг,
 Ҳаёлларим улфатдир сента.

Юратимда ҳис этдим қанот,
 Тилсим каби очилур ҳаёт,
 Висолдаги дамларим ширин,
 Хижрондаги ғамларим ширин,
 Қулиб боқар мента коннот...

Ўн саккизга кирмаган ким бор,
 Боғингдан гул термаган ким бор...



* * *

То тирикдирки табиат,
То қуёш сочгайки нур,
Уч ағиз бордир тушунча,
Уч бу суз ёндош бўлур:
Мохиру меҳру маҳорат,
Олиму илму ама,
Ошиқу ишқу машаққат,
Шоиру шеъру шуур.



* * *

Ой фонусин кўтарди осмон,
Юлдузчалар бўлди парвона.
Сайр этайлик, кел, бирга, жонон,
Кўнглим сени истаб ягона.
Кўларимдан тут ўзинг, дилбар,
Ойдин йўлга етакла мени.
Ошиқ бўлиб, ишон, шунчалар
Севмагандим ҳеч қачон сени.

Ажаб, ортиқ сармастман бўкун,
Кўкрагимга сиққудай олам.
Бу кун лим-лим тўлмиш долағун
Ишқ майига кўнглим пиёлам.

Кел, юлдузлар тўшалган йўлдан
Етакласин бизни муҳаббат.
Ғамларингни чиқар кўнглидан,
Шод кунларни эслайлик фақат.

Сайр этайлик, кел, бирга, эркам,
Розин кетсин биздан умрбод —
Шодлик учун яралган олам,
Севмоқ учун берилган ҳаёт.



КИМНИ ЭТМАС БУ КЎНГИ ШАЙДО

Дунё экан...

Ишқ деган савдо

Борми фақат менинг бошимда?!

Кимни этмас бу кўнги шайдо,

Ким шевр ёзмас менинг ёшимда?!

Севги илк бор тушди-ю қалба,

Ҳаётимнинг бўлди мазмуни.

У кўлимга тутқазиб қалам,

Кўзларимдан олди уйқуни.

Олди бутун фикру ҳаёлим,

Кетди дилдан ором, ҳаловат.

Севги бутун боримни олиб,

Шевр завқини қолдирди фақат.

Борлиқ олам кўзимга минг-минг

Ўзгалликка тўлиб кўринди.

Ўғлар менга ошиб буабуданинг

Шевр дафтари бўлиб кўринди...

Айб этмангиз,

Дўстлар, бу савдо

Борми фақат менинг бошимда?

Кимни этмас бу кўнги шайдо,

Ким шевр ёзмас менинг ёшимда?!

АЭГАНУШ

Арман қизига

Кўрдиму мол бўлди ақлим, ўнгиди бу

ёки туш,

Бўрса ҳам ўнг, ё сени кўргач, бошимдан

учди ҳуш.

Сен бадад тоғ узра эрднинг мисли оҳу

ёки қуш,

Ёввориб мен пастда дердим: бир нафас

ёнимга туш.

Аэгануш, ҳой, Аэганушим,

Аэганушжон, Аэгануш.

Сен ҳаётнинг бир дамилик жиявасиму

чинимидинг,

Ё ғазалларда битилган «ула париваш»

сенимидинг.

Орази гул, сочи сунбул, бир тани

сийиминимидинг,

Баки, Ширин Ширин эрмас, сен ўзинг

Ширинимидинг?

Аэганушим,

Аэганушжон, Аэгануш, ҳой,

Аэгануш.

Ўсма кўйдингму қолингта, бунчадар тим

қорадир,

Билмадим, бу қолларингдан қанча диллар

порадир,



Раҳм қиляғи, битта ўзбек шунчадар

ёворадир,

Туш ўзинг, ё айт, ёнингга қайси йўлдан
борадир?

Азганушжон,

Азгануш, ҳой, Азганушим,

Азгануш.

Бок, бу тоғлар ортида бир ўлка бордир кўп
йирок.

Мен қанотли йўлчиға бу бир нафаслик йўл
бирок,

Юр, париваш, мен билан юр, борми сенда
иптиёк?

Ўуа тутарман сента сўмас ўл чамандан бир

кучок.

Азганушим,

Азганушжон, Азгануш, ҳой,

Азгануш.

БИР ТОМЧИ ЁШ

Чўққидан бир кичик тош юмаласа,
Тоғни қулатгудек сурон қилады.

Кўзингдан бир томчи ёш юмаласа,
Тоғдай қорагини вайрон қилады.

Агар кўксим узра қуласа бирдан,
Тутмоққа қодирман тоғлар тошини.
Ҳайҳот, кўтаролмам киприкларингдан
Узинган бир қатра қайғу ёпини...

САДОҚАТ



Кекса қайрағочнинг

Иллизин очиб,

Тортдилар кўш арқон сомиб беъмидан.

Лекин у тутроққа панжасин салғиб,

Сира кўзғамасди

Унган еридан...

Ниҳоят, гурс этиб ерта қулади,

Бутаб, сўнг кўтариб кетдилар, бироқ —

У ўз панжасида олиб жўнади

Яшаган еридан

Бир сиқим тутроқ.

КУЙ АВЖИДА УЗИМАСИН ТОР

Куй авжида узимасин тор,

Шеър ярмида синмасин қалам.

Яшаб бўлмай умрини зинҳор

Бу дунёдан кетмасин одам.

Кўлдан тушиб синмасин қадаҳ,

Лаб текканда тўқимасин май.

Тўхтамасин уриб турган қааб,

Бошлаб кўйган кўшини битмай.



КЕЧА ВА КУНДУЗ

Ёруғ дунё бор эъсин тент
 Тақсим этган кеча, кундузга.
 Нур қадрига етмай тун, уни —
 Сочди ойга, минглаб юлдузга.

Шундан ойнинг юзи доғ экан...
 Юлдузлар ҳам худди мунчоқ ёш...
 Кундуз эса барча нуридан
 Ҳартибди биргина қуёш.

ТУН БИЛАН ЙИҒЛАБДИ
БУАБУЛ...

Тун билан йиғлабди булбул
 Ғунча ҳажри доғида.
 Қўз ёши шабнам бўлиб

Қолмиш унинг япроғида.

Қўз юмар бўғсам, қўзим —
 Оқдида пайдо гул юзим,
 Ғунча қўз очмоғи бор
 Булбул қўзин юммоғида.

Аста барг остида тинглаб
 Ётган эрмиш шўх сабо,
 Ғунча булбулдан муҳаббат
 Дарсин олган чоғида.

Севги саҳросида қолмиш
 Неча Мажнундан ғубор,
 Неча Фарҳод гарди ёттай
 Бистуннинг тоғида.

Ғунчадек чехрангта Эркин
 Ҳон фидо эттай, санам.
 Қатра қонидан гул унсин
 То муҳаббат боғида.





БАРЧА ШОДЛИК СЕНГА БЎЛАСИН

Барча шодлик сенга бўлсин,
Бор ситам, зорлик менга.
Барча дилдорлик сенга-ю,
Барча хушторлик менга.

Сен менинг жонимни олтин,
Мен сенинг дардинг олай,
Барча соғлик сенга бўлсин,
Барча беморлик менга.

Сенга бўлсин барча ҳусну
Менга бўлсин барча ишқ,
Кори хунхорлик сенга-ю,
Меҳри пойдорлик менга.

Бу жаҳоннинг роҳатин ол,
Бор азобин менга бер,
Сенга бўлсин барча ором,
Барча бедорлик менга.

Ол ўзинг кошоналарни,
Менга қўй майхонани,
Барча ҳушёрлик сенга-ю,
Барча хумморлик менга.



Сенга бўлсин нури кундуз,
Менга қолсин қора тул,
Барча гулшан сенга бўлсин,
Бор тиканзорлик менга.

Сен шаҳаншоҳликни олтин,
Менга қўллик бўлса бас,
Бор жафокорлик сенга-ю,
Бор вафодорлик менга.

Майли, остонангда ётсам,
Майли, қувсанг тош отиб,
Бор дилозорлик сенга-ю,
Бор дилафторлик менга.

Сенга шеврни битсин Эркин,
Иртиб отмоқ ўз ишинг,
Қасби инкорлик сенга-ю,
Айбга икдорлик менга.



ҒҮНЧА

Барг остидан мулойим
 Боққан ибоди ғунча,
 Не сирни сақатайсан,
 Бағринг нечун тутунча?
 Пинҳон сиринг баён эт,
 Кўксингги қилма кўп қон,
 Бу ёки ишқ аталган
 Бизга аён тушунча?
 Севмоқ уят эмасдир,
 Ҳар кимда бор бу савдо,
 Кўй, кўп қизарма, ғунча,
 Бошингги эгма бунча.
 Бўдлингги мен каби ё
 Бир бевафота ошиқ,
 Айт, севганингги сенга
 Парвоси йўлми унча?
 Гулун яноғинг узра
 Бир томчи ёш қўрарман,
 Кел, бирга дардашайлик,
 Уй-уйда йиғдагунча.
 Мен ҳам ахир сенингдек
 Изҳори ишқ этолмай
 Кўксимда дули оҳим
 Даштлар аро қуюнча.
 Эй ғунча, сабр айлаб
 Уммиди васл қилғил,
 Хижрону ёр жафоси
 Бизга фақат бутунча.

СУРМА

Асмида ким қарарди
 Ётганда хор сурма,
 Бўлди азиз, кўзига
 Суртганда ёр сурма.
 Кўзда қаро на из бул,
 Тун доғидан асарму,
 Майхона кездиму ё
 Мастоनावор сурма.
 Ёр кўзига еттишмак
 Савдо экан-ку душвор,
 Ёниб кўмир бўлибди
 Бечора зор, сурма.
 Ўртанма, куйма ортиқ
 Жисим қаро экан деб,
 Ишқ йўлида қаролик
 Тақдирда бор, сурма.
 Минг йил ётиб сенингдек
 Фам тоғининг тагида,
 Сўнг майли бўлсам охир
 Толега ёр, сурма.
 Ёр кетди-ю, қолибдир
 Йўл ўртасида Эркин,
 Кўнгида сурмасо кўз,
 Кўзда ғубор сурма.



- 2245 -



ЛОЛА САЙЛИ

(бадиҳа)

Таклиф этдим тонг билан
 Дилдорни лола сайлига,
 Бошим осмонларга етди
 Ёр деганда «майлига».

Кенг жаҳон бўлди мунаввар
 Лутфидан, э воҳ, қани,
 Сидқи дилдан юрса дилбар
 Дом ошиқ майлига.

Ўйладим шу тонг, неча йил
 Дапту саҳролар кезиб,
 Таклифи сайл айламабдир
 Не учун Қайс Лайлига!

Бу хаёлим ёрга айтсам,
 Қудди-ю, берди жавоб:
 Аҳли ишқ ҳам боққай, албат,
 Ўз замонин зайлига.

Лола тердик даста-даста,
 Кеч билан қайтдик шаҳар,
 Йўлда бир-бир тарқатиб
 Эркин муҳаббат хайлига.

ЙЎҚ ЭМИШ ОРЗУДА АЙБ...

Сайди ишқ бўлган кўнглига
 Қўймангиз беҳуда айб.
 Бўлса банди домни сайёд,
 Йўқ эрур оҳуда айб.

Бандга тушган бу кўнгулдуру,
 Менда, айтинг, не гуноҳ,
 Дил қушига дом қўйган
 У а икки жодуда айб.

Жоду кўзлар банди ёлғиз —
 Сен эмас, тутқун юрак,
 Аввал охир кўҳна мерос
 Ишқ деган туйғуда айб.

Эй кўнгли, ўз майлинг ила
 Бўлдинг ишқ домига банд.
 Изама энди баҳона,
 Демагин у-буда айб.

Севги дардидан менинг ҳам
 Бўлди рангим каҳрабо,
 Йўқ илож, не наф ўқинмак
 Бўлмаса кўзгуда айб?

Сен-ку Эухросан фалакда,
 Интизорингман фақат,
 Не ажаб, талпинса кўнглим,
 Йўқ эмиш орзуда айб.



КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

Кимда иқтидор йўқдир,

Илм ила ҳунар зое,

Иқтидор берурман деб

Чекма ранж, кетар зое.

Кимда асми толе йўқ,

Нақли ҳам кетар қўлдан,

Берганинг билан бўлмас

Оатину гўҳар, зое.

Кимки беҳамиятдир,

Четдадир назардан ҳам,

Чунки беҳамиятта

Солганинг назар зое.

Кимки муз юрак бўлса

Ўйлама эритмакни,

Минг қуёш ёқиб қўйсанг

Қиммагай асар, зое.

Гар қуён юракли эр

Ҳазм этар баҳодирлик,

Унга арғумоқ эсиз,

Тилла нақш камар зое.

Бу «насихат»ни Эркин

Ёзди бир сабаб бирдан,

Қўнғида сезар аммо,

Шеври бесамар, зое.

СЕНГА БАХТДАН
ТАХТ ТИЛАРМАН

Сен ганисан, менда бисёр элтиёж.

Нодирабетим

Сенга бахтдан тахт тиларман,

Толедан бошингга тож,

Мулки ҳуснингга омонлик,

Тоғу тахтингга ривож.

Тоғу тахт ташбеҳидан сен

Қўнға деб қуласанг нетай,

Сен ахир шоҳи жаҳоним,

Мен қўлингман, не илож?

Не иложким, давлатим йўқ

Ганжи меҳримдан бўлак,

Бул эваздан қўз тўлайдур

Қатра-қатра дур хирож.

Қўзларим айлар ҳаминша

Арзи муҳтожлик сенга,

Айт-чи, жоним, борми сенда

Қўз ёпингга элтиёж?

Қўл насихат тинглаб Эркин

Қиладди ҳеч тарки ишқ.

Бор масалким, иш юришмас

Соҳиби тар бўлса кож.



ХАЁЛ

Кечалар киприкарилда
Тарки хоб айлар хаёл,
Ўз ҳаётимдан ўзимга
Сарҳисоб айлар хаёл.

Қисса айтур мозилин тоҳ,
Эртадан афсона тоҳ,
Тоҳ савод айлар кўнгилга,
Тоҳ жавоб айлар хаёл.

Кўкда сузган ойни кўзга
Бир кичик фонус этиб,
Пирпираб ёнгувчи шамни
Моҳи тоб айлар хаёл.

Май тўла жом ичра тўфон
Мавжини пайдо қилур,
Тонг шафақ алвонини
Гулгун шароб айлар хаёл.

Минг асрлар кори ҳолин
Қилгай у бир сония,
Лаҳзанинг мазмунини
Минг бир китоб айлар хаёл.

Неки забт этмиш шуур,
Боис хаёл ўласа, не тонт,
Дилга парвоз айла деб
Мангу хитоб айлар хаёл.



Бу шитоб асрим хаёлга
Эгдиму тезликни бахш,
Билмадим, асримни олға
Ё шитоб айлар хаёл.

Бор экан инсон қўлида
Орзу ёққан чароқ,
Бу чароқни, ўйла, бир кун
Офтоб айлар хаёл.

Мен хаёни шербга солдим,
Ўйнараст бўлма ва лек,
Бесапар бўлса сени
Бир кун хароб айлар хаёл.

Бўлгин, Эркин, ҳар нафас
Эзу хаёлга ошино,
Пок эса ниёт, сени
Олижаноб айлар хаёл.



УЙҒОТМАГИ...

Тушда кўрдим дилбаримни,
Эй сабо, уйғотмаги,
Олма бир дам васл шавқин,
Кўй, мени кўзғатмаги.

Неча кўнаар ахтарурман,
Кўзларимда уйғу йўқ,
Уйғула топдим ниҳоят,
Энди сен ажратмаги.

Сочларин бўйнимга боғлаб
Шод эрурман бу кеча,
Кўй, чаманлардан, сабо,
Гула атрини тарқатмаги.

Севганим, хуршид жамолим
Васлидан хушнуд кўнги,
Сен кўёшни кўзларимга
Бир нафас кўрсатмаги.

Лабларимда кулгу, гўё
Тушда қанд кўрган гўдак,
Кўй, шакар лабдин акорма,
Сен мени йиғатмаги.

Гар йўқотсам бу кеча мен
Қайта боргум ахтариб,
Тушда кўрдим дилбаримни,
Эй сабо, уйғотмаги.



УЗУМ

Термулар шабнамми япроқ —
Остидан пинҳон узум,
Лабларингга етмоқ истаб
Тонг саҳар гирён узум.

Офтоб машшотаси
Ток сочини нурдан тараб,
Зангининг бўйнига осмиш
Шодан маржон узум.

Токи ишком мисли осмон,
Хар тараф юлдуз сочур.
Воҳ ажаб, бу не синоат,
Ер узум, осмон узум.

Тарк этиб кўшқин, саватта
Кўйди бош, излаб сени
Чарх уриб бозор ичида
Бўлди саргардон узум.

Кимки ошиқликни даъво
Айласа шулдир жазо,
Оқибат хум ичра бўлди
Маҳкуми зиндон узум.



Хум ичида неча йил

Хун бўлмоқ эркан қисмати,

Лабаарингга етди охир

Бир шиёда қон узум.

Бир қадаҳ гулун шароб

Тутдим сента, бир ҳўпладинг,

Тоғсимдан воладурман,

Бахтидан ҳайрон узум.

Эй дилором, сента Эркин

Тутди майдек шеърини,

Дил хумида неча йил

Қон бўлди бу девон — узум.



РАШКИМ

Сени ётлар туғуа ҳатто —

Қилурман рашк ўзимдан ҳам,

Узоқроқ термулиб қолсам

Бўлурман ғаш кўзимдан ҳам.

Кўзим ёнғай сента нартис —

Кўзин тикса чаманарда,

Яширмам, лолага рашким

Аён бўлғай юзимдан ҳам.

Дегайларки, чаросу

Ол тилос олмиш лабингдан ранг,

Лабинг тегса ҳасад қилгум

Гилос бирдан узумдан ҳам.

Сени жоним дедим ёғғиз,

Сени қалбим дедим танҳо,

Чимирдинг қош, пушаймонман

Қўлол айтган сўзимдан ҳам.

Висол онида кўз очса,

Не тонг, тонгдан кўнглида ранж,

Жудо қилғай мени ой юз

Хумор кўз юлдузимдан ҳам.

Сента ўн туғутда боғландим,

Хануз эркин бўлолмас дил,

Ўзим доғман, ақл кирмас

Тўзимсиз ўттизимдан ҳам.



ДУТОРИМ ТОРИ ИККИДУР...

Дуторим тори иккидур:

Бири кувноқ, бири маҳзун,
Ки, байтм сатри иккидур:
Бири дилхуш, бири дилхун.

Нигорим чапми иккидур:

Бири яғмо, бири жоду,
Бу жоудан икки кўзим
Бири Сайхун, бири Жайхун.

Жаҳонда икки дилбарнинг

Бири сенсан, бири Лайло,
Жаҳонда икки ошиқнинг
Бири менман, бири Мажнун.

Жаҳонда икки юлдуз бор:

Бири сенсан, бири Зухро,
Мисоли икки нуктамининг
Бири остин, бири устун.

Жаҳоннинг меҳри иккидур:

Бири сенсан, бири офтоб,
Тарозу палласи икки:
Бири ердур, бири гардун.



Мақони икки лочиннинг —

Бири қоя, бири осмон,
Қаноти икки шорининг —
Бири ўлка, бири очун.

Ғазал битмақда сачрабдур

Кузимдан ёш, дилимдан ўт.
Шу бос икки сатримнинг
Бири қатра, бири учун.

Келиб бот сайридан Эркин

Ғазалга тўқин излардим,
Кириб келди икки дўстим:
Бири Сайёр, бири Тўқин.





СЕВГИНИ ТОРТИБ БЎЛУРМУ...

Севгини тортиб бўлуРМУ

Тошу тарозу билан,

Меҳрни ўлчаб бўлуРМУ

Зар билан, инжу билан?

Айт, қачон кўнглимга соҳдинг

Ишқ ўтин, эй соҳира,

Дил ўзи боғландиму, ё

Боғладинг жоду билан?

Мен сента кўнглимни очдим,

Ҳа деб айт, ё йўқ деб айт,

Бунча қийнайсан дилимни,

Ўртама қулу билан.

Нега сента тик қаромам,

Кўзларинг офтобми, ё

Офтоб аксини кўзга соҳдинг

Ўинашиб кўзгу билан?

Басл умидин тарк этолмай

Интилар кўнглим сента,

Умрини ошқ ҳамишга

Ўтказур орузу билан.



ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ҚОРОНГУ

«Умрини ошқ ҳамишга

Ўтказур орузу билан».

Ойнинг ўн беши қоронгу,

Ўн беши ёғду билан.

Севгида кўксингга томган

Кўз ёшингдан фойда йўқ,

Ишқ ахир шундай оловки,

Ўчмагай у сув билан.

Заҳмати ишқ дард эрурса,

Заҳмати шеврлур даво,

Чунки оғунинг шифоси,

Дейдилар, оғу билан.

Барча заҳмат мента бўлсин,

Майли, доим мен яшай

Бу ақиб тотли азобу

Бу ширин қайғу билан.

Ёшлангим — умрим наҳори,

Ишқу шеврсиз не ҳаёт?

Тонгги ёлғиз ғафлат аҳли

Ўтказур уйғу билан.

Ёрни мен жоним деб айтсам,

Илтифот деб ўйлама,

У яшар менсиз ва лекин

Мен тирикман у билан.



САЙР

Раҳматулло

Қилмадим бир бор ўшш
 Гул юзми зебо бирла сайр,
 Қонмагай дил, айласам
 Минг бигта Лайло бирла сайр.

Не бўлур бир даҳза кезсам
 Хусн шохи бирла мен,
 Этмаганму сайд чоғи
 Кул шаҳаншоҳ бирла сайр.

Бадниятлар даврасида
 Шоду хандон ул нитор,
 Гоҳ қилур Етти қароқчи
 Шўх Сурайё бирла сайр.

Ёр билан сайр этмоғимга
 Хеч умидим қолмади,
 Мен ўзим Мажнун каби
 Айлайми саҳро бирла сайр.

Сайр этарман кўча-кўйда
 Ёр хайли бирла шод,
 Қилмагай хеч ким ёнида
 Шунча тилмо бирла сайр.



Мен-ку ёр ишқига фарқмен,
 Сайр истарман яна,
 Тош ҳам орзулар экан
 Қилмоқни дарё бирла сайр.

Бу замон кўнглингда, Эркин,
 Қолмагай зарра ғувор,
 Айласанг бир бор дўстинг
 Раҳматулло бирла сайр.





ҚАЛАБ САРҲИСОБИ

Эй сен, латиф дўст, бу сента

Умрим китобидир,

Балки китоб эмас, умру

Қалб сарҳисобидир.

Бир шаҳр номи Ибтидо,

Бир шаҳр Интиҳо,

Жонимда икки шаҳр аро

Йўл изтиробидир.

Сен ким эдинг, ким бўлдинг, эй

Дил, деб сўрайди дил.

Шеър асли дил саволига

Дилнинг жавобидир.

Ёшимни сўрмангиз, не тонт,

Кўнглам йигит эса,

Эркин Ватан ёши менинг

Ёшим ҳисобидир.



ГУЛЛАР БАЭМИ

Гул фасли санам

Сайр ила гулшанда бўлибдур,

Гунча кўз очиб,

Гул юзида ханда бўлибдур.

Гуллар ичида

Шоҳи ўзим, дер эди мола,

Мағрурлигидан

Ул ўзи шарманда бўлибдур.

Карнай гулнинг

Оғзи очиб, волаю хайрон,

Наргиснинг, ажаб,

Икки кўзи санда бўлибдур.

Саф-саф тизилиб

Сафсар оёғингта кўйиб сар,

Банд-банд узалиб,

Жони билан банда бўлибдур.

Қирқ бошларимиз,

Қирқ дая қирқ оғанини гул,

Тирингта улар

Бари сарафканда бўлибдур.



БИР ГҶҶАЛКИМ

Юз жинава билан
Нозми хиром этса печакгул,
Шоҳигула анинг
Раксита хонанда бўлибдур.

Қалқиб келадир
Сувда нилуфар сента пешвоз,
Оқ шоҳида ҳур
Сайр ила елканда бўлибдур.

Гулашанда кезиб
Хўп сара гулдаста тузибсан,
Эркиннинг эса
. Шерри пароканда бўлибдур.



Бир гўзаалким, ҳуснидан эл
Лол эмиш, ҳайрон эмиш,
Ишқи бирдан диллар обод,
Хонумон вайрон эмиш.

Нугтадек бир холи бормиш
Ғунча лабнинг устида,
Ул бири ошкор эмишдир,
Ул бири пинҳон эмиш.

Санги дилнинг ҳасратида
Қанча диллар дард чекиб,
Кўзларининг ғурбатида
Қанча кўз гиён эмиш.

Барча шайдоларнинг охи
Жам эса маҳшар бўлиб,
Хуни дил кўз ёшларидан
Бир буюк тўфон эмиш.

Қилгай эрмиш мутриби ишқ
Ўз мақомини ироқ,
Шу сабаб оҳанги ушшоқ
Гирли афғон эмиш.



Кўйида ётмиш кўнглилар

Мисли синган кўзгудек,

Воҳки, ҳар бир парчасида

Уа руҳи тобон эмиш.

Уа гўзал оломслик эрмиш,

Ким парилар зотида,

Ғойибона ошиқ Эркин

Толиби даврон эмиш.



ЎРТАДА БЕГОНА ЙЎҚ

Кўйида мен тош бошимни

Урмаган остона йўқ.

Энда бор шундай масал:

Жон чекмасанг жонона йўқ.

Севги водийсида мента

Тенг бўлолтай қайси Қайс?!

Кўнглим очсам, икки дунё

Бу каби афсона йўқ.

Шаҳро ичида ҳолатимдан

Кулмаган бир оқилу

Хилват ичра мента улфат —

Бўлмаган девона йўқ.

Не ажабким, маст бўлибман

Кўзларингга термилиб,

Етти иқлимда бу янглиғ

Май йўғу майхона йўқ.

Ишқ ғамин айтсам қаламга

Ич этин куйдирди уа,

Севгидек ўт йўқ жаҳонда,

Мен каби сузона йўқ.

Оқ қорозим, сента Эркин

Очди пинҳон ишқини,

Сен бору мен бор, қалам бор,

Ўртада бегона йўқ.



ИСТАК

Исми не уа кушниким,
на жисми бор, на жони бор,
Изаа, топ, не боғким уа,
на ҳадди, на поёни бор.

Сой неким уа, бўлғай унда
на қарору, на канор,
Сув не уа, қонмоқнинг унга
на илож, имкони бор.

Тоғ надирким, чуққисини
ҳеч киши забот этмаган,
Тирмашиб ётқувчи элнинг
на саноқ, на сони бор.

Арғумоқ неким, унинг бор
на жилов, на жабадуғи,
Андлаиб неким, унинг
ҳар дилда бир ошени бор.

Комронлик унга етмак,
етмаган армон билан
Ким, мувапшаҳ битди Эркин,
кўнгулда армони бор.

ҚАЛБ ШУНДАЙ УММОНКИ...

Қалб шундай уммонки, унинг бағрида
дахшатли довғалар силсиласи бор.
Қалб шундай заминки, оташ қариди
Вуҳонлар отувчи зилзиласи бор.

У бир сайёрадир, Ердек шафақгун,
У бир оламдирки, бимас низо.
Уни меҳваридан чиқармоқ учун
Атом жанги эмас, бир суъз кифов.





БИР КАДАМ

Иккимизнинг ўртамизда
Йўл, дилоро, бир қадам.
Шунчалар мушкулми қўймоқ
Сенга, зебо, бир қадам.

Қўларимнинг нури бўлди
Йўлга пойандоз, кел,
Сен қасам ичдингми ё, деб —
Қўймам асло бир қадам.

Мен сени Зухрою Ой деб
Итижо қилдим ва лек
Сен йироксан, тарчи мента
Ою Зухро бир қадам.

Парда ичра офтобим,
Ёнида мен нурга зор,
Ташнаман, қирғоқдадурман —
Бунда дарё бир қадам.

Не иложким, севги расми
Шул экан тақдир аза,
Хеч писанд эрмас масофа,
Мушқул аммо бир қадам.



Интизорлик талба қилди,
Телбалikka йўқ илож,
Жонидан кечган кишита
Икки дунё бир қадам.

Бас, шикоят қилма, Эркин,
Журъат айлаб йўлга чиқ,
Сенга бир одим Самарқанд,
Сўнг Бухоро бир қадам.





НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Дайрилик они яқиндур, кема йўл бонгин чоғур,
Ваҳ, мени ташлаб фироққа ёр йироққа йўл олуғ,
Жон бориб жоно билан, соҳилда бир

жисмим қолур,

Ҳар қачонким кемага ул ой сафар раҳтин солуғ,
Мавжаниғ дарё каби ошфута кўнғалим қўзағолур.

Мен неча айтдим, кўнғул, жондин кечиб

ёр севма деб,

Сўнғ йироққа кетса ташлаб, урма оҳ,

доғ дема деб,

Кетди ёр, бас энди, ким айтди ёпингни

тийма деб,

Йиғлама, эй кўз, недин соҳилга чиқмас кема деб,
Ким ёпинг дарёсидур ҳар сориким эа кўз солуғ.

Ел турар, йиғлар фалак, бу гулдурак ҳам

барқ дема,

Дарди ҳижронинини ўқраб сўзлар осмон ҳар кима,
Жисм аро жондек омонат чайқалиб боргай кема,
Титрабон сиймобдек кўнғалим, етар жон оғзини,
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки дарё чайғолур.

Эй фалак, бас, йиғлама, йўғ фойда, ул

ой кемада,

Ўртада дарёю мен бу жойда, ул ой кемада,
Кемас энди, ойда не, минг ойда, ул ой кемада,



Сабр кўнғулда, кўнғил ул ойда, ул ой кемада,
Ваҳки, бориб, термулиб кўз, мунграйиб
жоним қолур.

Таскиним шулким, кема кўздан йўқолабдур ҳали,
Бир нафас бор фурсатим ёр йўлгита термулгани,
Оҳ, демай, сақлаб нафас, қўзағолмайин

турдим, вале,

Дам тутитгандин ўлар элдек етибман ўлгани,
Сурмасин деб кемасин, баским, нафаслар асролуғ.

Эй шамол, жим тур, само жим, мавжудот, бир

лаҳза жим,

Тингла, одам, тингла, одам, сен агар

булсанг-да ким,

Булдур устоз панди: сиймин тандин ўзга

сурма сийм,

Кирма савдо баҳрита оламдан истаб судким,
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғолур.

Сун қадаҳ, берти менга жоним ҳақин,

эй пири дайр,

Ким қадаҳлар зарбидан чиксин чақин,

эй пири дайр,

Борми Эркинга ул устоздин яқин, эй пири дайр,
Ғарқ этар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,
Илгита чунким Навоий бода китписин олуғ.



КЕРАК БЎЛСА

Мен бор, сента бир ҳақлўй —
Девона керак бўлса,
Иўқман, тили қанди нодўст
Парвона керак бўлса.

Истарми сафо кўнглиниг,
Бор унда саройларга,
Кел бунда, эсанг дардлик,
Ғамхона керак бўлса.

Ҳамдам ўзим, эй ошно,
Маҳам сузим, эй ошно,
Икки кўзим, эй ошно,
Ҳайрона керак бўлса.

Бергум на керак сента,
Жон сента, юрак сента,
Зардобга тулай кетган
Паймона керак бўлса.

Боғимни макон этган
Эй сиз гада бойқушлар,
Кўксимга кўниниг, Сизга
Вайрона керак бўлса.



Вайрон чаманим водий,
Кўксимда унинг доди,
Фарёда кўлоғинг оч,
Фарғона керак бўлса.

Найлай, бу оғир сузлар,
Кўвманг мени, эй дўстлар,
Оқиллар аро битта
Девона керак бўлса.





ТУРК ГҶЗАЛИ

Гуазор ичида гулмиди, райхонмиди, жамбул,
Ё жамбулу райхону гул узгувчи санам бул.

Валлоҳ, бу санам, одам эмас, неча сўз айтсам,
Одам дег бир боқмади, э воҳ, не одам бул?

Чакмоқ каби бир лаҳза насиб этди висоми,
Энди мента ёр турк гўзали ҳажрида ғам бул.

Изаб неча кун шаҳрида овора бўлибман,
Истанбул эмас, ошиқ учун жонга ситам бул.

Шу ёшда ёниб севгини назм этса не айбким,
Эркин юраги ишқ ўтида куйгучи шам бул.



СЕВГИ КЕЛСА

Севги келса қадди ё ҳам ёш бўлур,
Севгисиз жонона ҳайкал-тош бўлур.

Меҳри йўқ дилдорни қучма, тошни қуч,
Тош сента малҳам бўлур, сирдош бўлур.

Севги фаслида тикандан гул унар,
Севги кўйида шамол фаррош бўлур.

Кўнгли ёғдар бозми жамшиди — азоб,
Ёр билан бўл, қум есанг ҳам ош бўлур.

Чин муҳаббат минг жафого дош берар,
Лек хиёнатга у бебардош бўлур.

Бевафолликини яширсанг, ер қўмар,
Лекин осмонларда бир кун фош бўлур.

Ғурбат ичра ботди мағрибга қуёш,
Уфқ эмас гуларанг, бу қонли ёш бўлур.

Ишқ йўлини фидоис йўли деб англагил,
Пок дилинг, Эркин, бу йўлда бош бўлур.



СИР АЙТАР ҒУНЧАГА ҒУНЧА...

Сир айтар ғунчага ғунча,
Кўнгила кўнгилини англайдир.
Кабутарни кабутар ўлғаю,
Ғула ғулини танмайдир.

Мисоли икки юлдузани
Кўшар тақдир йигит, қизни,
Агар ёр англамас бизни,
Илож не, шўр бу манглайдир.

Чамандар ичра ранг танлаб,
Паривашлар бўйидир лаб,
Менинг ёрим лабин, ё раб,
Юрак қонимга ранглайдир.

Қоши ҳам ўсмадан зангор,
Дема зангор, эрур зангор,
Нечуким қон тўкиб хунхор
Қиличлар бўйда занглайдир.

Ғаму ҳажру жафоларда
Ёнар булбула наволарда.
У булбулмас, самоларда
Менинг додим жаранглайдир.

БИЗ АНГЛАМАГАН ЖАҲОН
ЭКАН ИШҚ

Ошиқлик иши ёмон экан-ку,
Ошиққа бағойи жон экан-ку.

Ишқ ханда бўлиб кўнгилга киргач,
Кўнгилда тўла фиғон экан-ку.

Васалда қувончи ошқоро,
Ҳижронда ғами ниҳон экан-ку.

Ишқ дарду азоби, ҳажри бир ён,
Рашиқ оташи бир томон экан-ку.

Аввалда жаҳон кўзинида тулшан,
Охирида ва лек хазон экан-ку.

Ишқ олами ўзга олам эркан,
Биз англамаган жаҳон экан-ку.

Кўнгилини бериб қуйибмиз осон,
Ёр севмаганинг осон экан-ку.

Ҳар неки ёнар, замонки сўнғай,
Ишқ оташи беэмомон экан-ку.

Бор бўлсин омон у беомоним,
Дарди билди жон омон экан-ку.

Боғландим ўз ихтиёрим ила,
Эркин бўлишим гумон экан-ку.



МЕНДА БОР ИШҚ ИЧРА ҒАМ...

Менда бор ишқ ичра ғам,
 Ҳажр ичра дард ула ойда йўқ,
 Дардини дард билмас кишига
 Сўзламоқдан фойда йўқ.

Кўз ёшим кўрганда сой ҳам
 Шарқираб кулса, не тонг,
 Бор менинг кўксим аро
 Тошқинки, ҳеч бир сойда йўқ.

Дард билан қормиш илоҳим
 Лойимиз тақдир азад,
 Ўзга дардин англамоқ лек
 Биз қорилган лойда йўқ.

Олам аҳли ичра дилдош
 Излама, кезма жаҳон,
 Зарга зор ҳар ерда бордир,
 Зорга зор ҳеч жойда йўқ.

Майли, зар сизларга бўлсин,
 Мента зор ишқ ичра бас,
 Бу хазинам аҳли дунё
 Ичра ҳеч бир бойда йўқ.

ЮРАТИНГДА МАКОН
ТУТТАН ҚУЛ

Билмам, қандоқ, не сабаб, қачон
 Ҳаётингга ошно бўлган ула —
 Боши эгик, бесўз, беисён
 Юратингда макон туттан қул.

Кимга даъво қилурсан, билмам,
 Қайси маслак, қай тузум масбула?
 Кетмас бўлиб жой олмиш маҳкам
 Юратингда макон туттан қул.

Исканжадан етим зурриёд,
 Қатагондан бева қолган тула,
 Қўҳна замин қабридан фарёд
 Юратингда макон туттан қул.

Бургут эдинг, парвози баланд,
 Сента ҳам ёр зулфиқор, дулдўла.
 Нечук увол мусича монанд
 Юратингда макон туттан қул?

Умр қошу киприк ораси,
 Гадоликдан адолик маъқул.
 Қулар ичра энг бечораси
 Юратингда макон туттан қул.

Кел, уйқулик кўзингни оч сен,
 Ўз ҳолингдан қаҳ-қаҳ уриб қул.
 Шундай кулки, ичингдан қочсин
 Юратингда макон туттан қул.



КИТЪА

Иста сант тоза кўнгилага кўнмасин
 зарра губор,
 Пок сўзу пок иш ва пок дил,
 пок хайа бўлмоқ керак.

Ўйисму жонимга десант,
 бегона бўлсин хасталик,
 Ишқ завқу дарди бирлан
 хастаҳол бўлмоқ керак.

Қадабга истарсан шифо тар,
 бўла ёмон сўздан йироқ,
 Корвалол ичмоқ керакмас,
 қар ва лол бўлмоқ керак.



Кизим, бахтли кунда дунёга келиб,
 умрим осмонини беазаган моҳим.
 Кувончим, эрта-кеч ниятлар қилиб,
 Дедим, тўйларингни кўрай илоҳим.

Тетапоя юрган чоғларингга ҳам
 Меҳр тўла кўзим тикиб бўйингга,
 Дедим, юрагимда қолмас эди ғам
 Кизалоғим, етсам бахтли тўйингга.

Шўқрим, ниятим бўлди-ю йўлдош,
 Иқбол шундоқ кўнни насибим этди.
 Тўйингга етдим-у, воҳ, шапқатор ёш
 Кўзимдан дувиллаб тўкилиб кетди.

Киз ўстирган ота толеи шудир,
 Меҳри рипштасини боғлаб жонингга —
 Ардоқлаб, эркалаб улағайтач охир
 Меҳмон бўлиб қолар хонадонингга.

Кўнарман, не илож, умрингга оқ йўл,
 Кўзларим севинчнинг ёшита тўласин.
 Дуога кўл очдим, эркам, бахтли бўл,
 Янги хонадонинг муборак бўласин!





СОФ ҲАВОНИНГ ФОЙДАСИ

Қирқ йил ҳаёт кўрдик
 Хотинжон билан.
 Қирқ йил бир-бирова
 Ёндош, меҳрибон.
 Уни «жоним» десам
 Ҳаяжон билан.
 У мени атайди
 Ҳануз «акажон».
 Олтиш беш ёшимда
 «Акажон» деса —
 Не ажаб, мен ҳамон
 Ёшликка ошно.
 Ёшликнинг бир сирин
 Аҳиллик эса,
 Иккинчиси — сайр,
 Мусаффо ҳаво.
 Фракат ўзимизга
 Аён сиримиз,
 Келишиб олганмиз
 Гушангадаёқ —
 Жаҳдан жунбушга
 Келсак биримиз,
 Ҳавога чиқамиз
 Бошқамиз шу чоқ.
 Танга даво экан



Соф ҳаво, билсам,
 Неча қор, ёмғирда
 Ивидим, қотдим.
 Хотин билан қирқ йил
 Дипаган бўлсам,
 Қирқ йил соф ҳавода
 Кечди ҳаётим.
 Шундоқ умр кўрдик
 Хотинжон билан,
 У мени асради
 Соғлом, навқирон.
 Уни «жоним» десам
 Ҳаяжон билан,
 У мени атайди
 Ҳануз «акажон».





ВАТАН ҚАДРИ

Чашма қошида тиниқ сув
Қадрини билмас киши,
Сайр этиб гулшанда гулни
Қўзига илмас киши.
Ваҳ, бу не рафратки инсон —
Қўксида тутмиш ватан,
Ким ватан ичра ватаннинг
Шукрини қилмас киши.
Юрт недир, юрт доғи недир,
Юртдан айрилган билар,
Англаувчи юрт фироқин
Юртда топилмас киши.
Эй, ватандошим, эшит
Бобуру Фурқат ноасин,
Бесабаб андуҳ тигида
Бағрини тилмас киши,
Билма, фарзандим, ватан ҳажрини,
Лек қадрини била —
Ким ватан қадрини билмас,
Ангда, комилмас киши.

БОҚИЙ ХОТИРА

Ўйлайман, очилса ҳар йил навбахор
Мовий кенгликларда аловон лолалар,
Булар лола эмас, ёт элларда зор
Лолага айланган аскар болалар.
Ўйлайман, офтоб уйғониб сахар,
Кунчиқар уфқида тикканда ялов,
Бу гулгун шафқемас, осмонга қадар
Бевадар оҳидан туташган олов.
Ўйлайман, ҳар кеч шамс етса заволга,
Борлиқнинг тутамас мотами ростдир.
Тун эмас, оналар эгнисида қолган
То махшар ечилмас қора либосдир.
Юр, болам, Майдонга борайлик бутун,
Қўлингиза дона гул яноғингиздек ол.
Бу гул сенинг бахтинг, шод кулпинг учун
Фидо бўлган бобонг қабрита тимсол.
Йўқ, сен ўзинг гулсан, ватанинг — чаман,
Улафай, аср зотинг унутма сира.
Билки, қадр билмак, асарида — ватан,
Ватанинг маъноси боқий хотира.





СЕН УЧУН

Мен ҳаётда бор эканман,
 Ўйласам, сен бор учун,
 Кўксим ичра қаб урар
 Тун-кун ўзингга зор учун.
 Жонга чун сенсан тириклик,
 Жон фидо бўлсин сenga,
 То жаҳонда бор эканман,
 Борлигим сен ёр учун.

* * *

Сиз менинг осмоним, моҳитобимсиз,
 Моҳитобим эмас, офтобимсиз,
 Ишончим, қувончим, юпанчим, яна
 Соғинчим, ўкинчим, изтиробимсиз.

Сиз менинг қабимсиз, қабимдаги шеър,
 Битмоқ оруз қилган бош китобимсиз.
 Севгим, умрим, яна умрим давоми,
 Бахтим, роҳатимсиз ва азобимсиз.

Сиздан шодлик кўриб кўзларимда нур,
 Адам чексам майли, шунга ҳам шукур,
 Бу дардди дунёда яхшики борсиз,
 Борлигингиз учун сизга ташаккур.

МАЖНУНТО

— Қуббон соҳилида қоматинг букиб,
 Олтин барғларингни кўла узра тўкиб,
 Нимаар ҳақида сурасан ҳаё,
 Сўйла, мажнунто!

Ё тонгга бир гўзал чиқдимини сува,
 Нитохинг тушдимини кўзи оҳута?
 Сени банд этдимини лабидати хол,
 Сўйла, мажнунто!

Кўла узра оққушлар парвоз этдимини
 Ва ё ўйларингни олиб кетдимини
 Сочларингни сийлаб ўтганда шамол,
 Сўйла, мажнунто!

Тунда ой аксини кўрдирдингми сува,
 Балки, кутмоқдасан уни беҳуда,
 Йўкса нега маънос кўриндинг, не ҳол,
 Сўйла, мажнунто!

— Йўқ, фикрим банд этган оққушлар эмас,
 Сабо ё париваш боқишлар эмас.
 На сув кўзгусида кўринган ҳилол,
 На чехраси ол!

Ҳаёлим бонси бошқадир бутун,
 Ўтмишининг бу ғамли қиссаси узун.
 Сўрадинг, сўйлайин, майли, қулоғ сол,
 Қабга тугиб ол!



«...Жондан севар эди бир-бирин улар,
Қабда тўлиқ эди ширин орузлар.
Йигит ўқтам эди, қиз – соҳибжамола,
Хушда баркамола.

Улар шу боғларда ўйнаб-куларди,
Оғушим уларга маскан бўларди,
Бунда ўтказарди ошиқлар висола –
Дамларин хушҳол.

Анов чаманларда гул терардилар,
Анов тош устида ўлтирардилар.
Икки қаб гуё қуш қабулар мисол,
Тилларида бола...

Аммо ушамасди ширин орузлар...
Бир кеча сўнгги бор учрашди улар.
Оҳ, севги гулашани этилди поймол,
Сўзламоқ маҳол...

Ҳамон ёдимдадир у ғамли кўзлар,
Шу оқшом айтганган аламли сўзлар:
«Ота...», «бойлик...», «таждир...»,
«никоҳ...», «қари чола...»

Ва «Хайр, хуш қол...»

Узоқ ўтирдилар шу тун икки ёр,
Айрилиқ шомиди вафодил нигор
Йигитга қолдирди ишқидан тимсол –
Шоҳи даструмом...



Шу бўлди — уларни топмадим зинҳор,
Сўрадим, изаюдим — кўрмадим бир бор.
Қайдадир севганлар, не кечди аҳвол —
Билмайман аҳвол.

Гар сўрсам жавобсиз чайқалуру бу қўл,
Дарагин келтирмас елар ҳам буткул.
Боғда гул бош чайқар, мен берган савол
Қаршида юла...

Сўрадим, дафъатан жим қолди боғлар,
Сўрадим, чўккандай туюлди тоғлар.
Сўрадим, чор атроф маънос, бемажол —
Кўринди беҳол...

Жондан севар эди бир-бирин улар,
Қабда тўлиғ эди ширин орузлар.
Бу бир севги эди, улуғ баркамола,
Оҳ, кетди увол...

Сен бугун соҳилда кезиб юрганда,
Дилдоринг ёнингда ханда урганда,
Шу кечмиш ҳислари дил мулкин дарҳол
Қилдилар ишғол.

Фикримни банд этган ишқ қиссаси бу,
Ва ишқ қиссасининг ақиссаси бу —
Шу севги ҳаққи ҳам сендати иқбол
Топмасин заво!



БУЛОҚ

Булоқ она-Ер сийнасида
Шеър сингари қайнаб оқади.
Сувнинг кумуш ойинасида
Меҳрим бўлиб қуёш боқади.

Тўйиб ичдим, сув билан гўё
Дилга сингди юрт муҳаббати.
Ташналигим қонди-ю, аммо
Дна ортди қалб ҳарорати.



* * *



Учрашувга ошиқадди дутонанг,
Кузлар висол орузида чарақлаб...
— Болам, чойинг совиб қолди, — дер онанг,
Ўлтирасан уйда китоб varaқлаб.
Ҳали сенги деб аталган бастакор
Юратингда торлар чертиб ўтмаган,
Ҳали ҳеч ким гуллар тутиб навбахор
Сени висол боғарида кутмаган.
Кечаларинг осудадир, бир одам —
Ёди билан банд бўлмаган ўйларинг...
«Ёш Вертер»ни ўқиб бир кун мени ҳам —
Севармикин кимдир дея ўйладинг.
Ҳойибона йўлларингга интизор,
Аллакимнинг кутипини билмайсан.
Деразангни чертиб сенга илк баҳор,
Бир даста гул тутишини билмайсан.
Сен ҳам уни, у ҳам сени кўрмаган,
Қаердадир яшар лекин дунёда.
Боғлар кезиб ҳеч гулга юз бўрмаган,
У сен учун ҳар кимдан ҳам зиёда...
Учрашувга ошиқадди дутонанг,
Қалб орақиб, ёр олдига чопади...
Қаердадир сени излар парвонанг,
У, абадга, сени излаб топади.



ЙЎЛЛАР

Йиллар оша бир ёш ўсарман,
Йўллар оша бир бош ўсарман.
Мен сайр этган гул водийларда
Чечакларга ёндош ўсарман.

Борлар ўттан, кйр ошган йўллар,
Уфқларга туташган йўллар,
Жимир-жимир нуқрадар тақиб,
Нур эмибсиз кўёшдан, йўллар.

Сайр олатим кўярмидим мен,
Ўлкам кезиб тўярмидим мен,
Кезмай туриб, сайр этмай туриб
Уни шунча сўярмидим мен!



МУҲАББАТ БИРЛА...

Муҳаббат бирла чеккан —
Фурбатинг роҳат билан тенгдур.
Муҳаббатсиз ва лекин
Ишратинг кулфат билан тенгдур.
Унга жону жаҳоним

Бой бериб оламда бойдурман,
Сенинг, эй бемуҳаббат,
Нусратинг ҳасрат билан тенгдур.
Риё аҳлининг алдоқ —

Ҳурматиға нафратим бордур,
Сенинг, эй дўст, мента
Нафратинг шафқат билан тенгдур.
Муҳаббат оташини

Ҳеч қачон дузаҳга тенг қилмам,
Нечунким, мента нури —
Талъатинг жаннат билан тенгдур.
Кечиб кўй, ошиқ ўлғач,

Икки одам мулкидан, Эркин,
Муҳаббат ичра барча —
Заҳматинг давлат билан тенгдур.

СЕВГИ ОТАШИ

Кон эмасдур жисм аро уа,
 Шуъласидур ишқ ўтин,
 Мўй эмасдур тан уза бул,
 Сўхта жонимдан тутун.
 Билмадим, уа оташ нҳра
 Ўртаниб бўлгум адо
 Ё самандардек чиқарман
 Ўт аросидан бутун.
 Мўмкин эрмас хас ичиди
 Чўғни пинҳон айламак,
 Ишқ солиб жисмимга ёнғин,
 Ошникор ўлиб букун.
 Ишқу ҳажр оламга мерос,
 Бўйла меросдур аза
 Бизга Фарҳоддан фидолнк,
 Бизга Мажнундан жунун.
 Ишқ бир офтобдур мунаввар,
 Заррадан Зухро қадар —
 Уа қуёшнинг теграсида
 Айланурлар бесукун.
 Ёр севиб, оқлинг сен, Эркин,
 Бу жаҳондин кўп сабоқ,
 Бундан ортиқ қайда мактаб,
 Қайдадир дорилфунун?

ЙЎҚ, ҲАЛОВАТ ИСТАМАЙМАН

Йўқ, ҳаловат истамайман,
 Ором билмас ёш жоним.
 Тўқкин урган уммонча бор
 Юракдаги туғёним.
 Бўронларга, довуларга
 Пешвоз юртим келади.
 Дарёларнинг гирдобига
 Кўкрак уртим келади.
 Тинчлик билмас одатимдан
 Озор чексам майлига.
 Олов бўлиб бир дам ёнсам,
 Сўнг ўчсам ҳам майлига...
 Ҳар мушкулга бардош берар,
 Чидар менинг тош бошим.
 Аммо сокин, тинч яшашга
 Сира йўқдир бардошим.



ЁШЛИК

Ёшлик! Сени куйламаган ким,
Эртақларинг суйламаган ким,
Кариганда уйламаган ким,
Уйлаб яна куйламаган ким?
Битмоқ бўлдим мен ҳам сента байт,
Ёш юракнинг ҳаққи борми, айт?

Ёшлик, асли менинг ўзимсан,
Кенг оламга боққан кўзимсан.
Ёзган шеърим, айтган сўзимсан,
Кечам, эртан, ушбу рўзимсан.
Битмоқ бўлдим сен учун аптбор,
Аммо ўзни куйламоқ душвор.

Ёшлик – гулу гулунча экан,
Бу гул олам тургунча экан,
Ёшлик – беҳад тушунча экан,
Поёни йўқ гардунча экан.
Битмоқ бўлдим мен унга дoston,
Ўйларимга топмадим поён.

Ёшлик, дилдан шавқ кетгани йўқ,
Юрак сени тарқ этгани йўқ,
Юрак сени тарқ этгани йўқ,
Демак, қадрингга етгани йўқ.
Ёшлик, сени куйлаб билурман,
Аммо бутун ёшлик қилурман.



Ёшлик – ишқу ошиқлик майли,
Ўзи Мажнун, ҳам ўзи Лайли,
Субҳи олам унинг туфайли.
Майли, унга битмасам майли,
На бир ғазал, на бир мусаддас,
Унинг ўзи шеърдан мусаддас.





ЮРАК ВА АҚА

Икки куч бор —

Юрак ва ақа

Икки ёнга тортувчи мени,

Улар бундоқ бўлса ноаҳил,

Қай бирининг тутай изминин?

Мени бир ён бошласа ақлим,

Бошқа ёнга етаклар юрак.

Билолмайман, қай бири ҳақли,

Қай бирига ишномоқ керак?

Ақа менинг ҳар қадамимни

Соғмоғ бўлар тарозу тошга,

Ҳар дақиқа тергайди мени,

Ўхшама деб кўча бебошга.

Юрак эса унга сўз бермас,

Бу дунёда фақат ўйна дер.

Бимас,

Сира билгиси келмас

Конун надир, қоида надир.

Ёр кўйига чораласа бири,

Юр деб ҳар кеч айласа хитоб,

Бири уйга етаклаб кириб,

Қўларимга тутқизар китоб.

Ақа айттар:

Севдинг, ўша қиз,

Айт-чи, сента қилурми вафр?

Юрак фақат сев дер, севгисиз —

Яшамоқдан борми ҳеч маъно?!



Ақа мента қилар насихат:

«Ёш жонингни ўртама беқор».

Юрак бўлса ён дейди фақат,

Ҳаёт бизга берилар бир бор.

Ақа дейди:

Шерингдан не наф,

Машқларингдан лаззат олар ким?

Йўқ, дер мента, ўлтирма ўйлаб,

Шеър ёз дейди нодон юратгим...

Ақа чексиз фазога ҳоким,

Ақа ҳоким одам нозига.

Борлиғ унга бўйсунар,

Лекин

Юрак кирмас унинг сўзига.

Шундан бир ён бошласа ақлим,

Бошқа ёнга етаклар юрак.

Билолмайман, қай бири ҳақли,

Қай бирига ишномоқ керак.

Айбон эмас бунда иродам,

Мавзур тутинг, дўстлар, сиз мени.

Ақа қанча ҳақли бўлса ҳам,

Тутар бўлдим юрак изминин.

У бахш этган оташда ёндим,

Ўзи бўлди мента раҳнамо.

Унга,

Фақат унга ишондим,

Юрак мени алдамас асло!

МАЙ ШЕЪРИ

Май – баҳор кизининг
 Ўн саккиз ёши,
 Унинг ажиб нозу
 Адолари бор.
 Бошида гулчамбар
 Порлоқ кўёши,
 Чаманда булбули
 Шайдолари бор.
 Бахмал куйлатида
 Гулдан тутмалар,
 Шадодалар айтган
 Наволари бор.
 Зулфи сунбулини
 Ювган чашмалар,
 Ўлиб тароқлаган
 Саболари бор.
 Кийс тополмайман
 Баҳор хуснига,
 Яшиш либосида
 На соз бу жаҳон!
 Чексиз водийларнинг
 Зумрад тусига
 Рапшу ҳавас билан
 Божани осмон.

Мен ҳам боғлар аро
 Сайр этиб бу дам,

Лодалар базмига
 Кўпингим келур,
 Май – баҳор ҳақида
 Шеър айтиб мен ҳам,
 Хушхон булбуллarga
 Жўр бўлгим келур:
 Баҳор келар

қайта-қайта.

Май қайта-қайта,
 Шоирлар ҳам чарчамайди
 Мадҳ айта-айта.
 Шеърлар кўпдир,
 Шеърлардан ҳам
 «Баҳор»у «ёз»,

«май»,

Мен энди ёзмай.

Қайда дейсиз!
 Гул боғларга

етақлаб баҳор,

Лола териб берса мента
 Этаклаб баҳор,
 Қанча ёзсанг оз, деб турса,
 Ёз деб турса Май,
 Бўлурми ёзмай?!
 Гарчи баҳор қайта келур,
 Май қайта келур.



Янги кўшиқ олиб, янги —
 Куй айта келур,
 Қанча баҳор кўрган бўлсам
 Мен шу ёшгача,
 Ҳар йил баҳор бошқачадир,
 Биз ҳам бошқача!

Май — баҳор кизининг
 Ўн саккиз ёши,
 Унинг ажиб нозу
 Адолари бор.
 Бошида гулчамбар
 Порлоқ кўёши,
 Чаманда бўлбул
 Шайдолари бор.

ГҲЗАМЛИК

Мулки борлиқ ичра бир маҳал
 Кўрксизгина одам яралган.
 Бермоқ учун дунёга сайқал
 Одам аро одам яралган.

Шундан бери инсон тинмайин
 Шу ер узара тер тўқар ҳамон.
 Ерни гўзал қилгани сайин
 Гўзал бўлар ўзи ҳам инсон.

КУТИШ СОАТЛАРИ

Нисбат қонунининг
 Бордир ҳақиқати.
 Лаҳзанинг маъноси
 Дунё қадар кенг.
 Кутиш соатларин
 Бир дақиқаси
 Висол онарининг
 Бир йилга тенг.

Кутиш соатлари
 Қилур бағримни хун,
 Бетокат кутганда
 Гоҳи эртани,
 Дейман,
 Вақт танобин бўрсам,
 Узун кун —
 Бир даҳзадек ўтсайди, қани!
 Нақадар мушкулдир
 Интизорлик дарди.
 Инсонга бўйсунмас фурусат яхшиям, —
 Умрим бир неча бор қисқа бўларди
 Кутиш соатларин олиб ташласам.
 Йў,
 Бу мулкин эмас!
 Яшамоқ тоти,
 Лазазати мўлтабар бизга ҳар соат.
 Ахир, одамзоднинг



Бутун ҳаёти
 Кутуш онаридан иборат.
 Қўл ишга,
 Бош уйга,
 Ораута банд дил,
 Истиқбол йўлига қўзни тутанмиз.
 Биз ахир миллион йил,
 Баки, миллиард йил
 Бахтли шу қунарни куттанмиз.
 Ҳаёт боқий экан,
 Кутуш ҳам боқий,
 Меҳнат,
 Ижод билан ўтган дам ҳало.
 Қанчалар зўр бўлса васл иштиёқи,
 Шунчалар даззатли бўлғуси висол.

КИПРИКАРИМ

Киприкарим икки саф бўлиб,
 Бир-биридан яшайди йироқ.
 Бедорлигим тўсиб васл йўлини,
 Киприкарим чекади фироқ.
 Мен тун бўйи тошдан гул ўйиб,
 Қўзим юмсам тонгда бемажол,
 Мени аста ухлатиб қўйиб,
 Киприкарим айдармиш висол.

ОЙГА

— Осмон қизи — сулув ойдирман,
 Қўқ саҳнида олтин ёйдирман.
 Туналар фонус тугиёб қўлимга
 Термудаман сенинг йўлингга,
 Мента келиб етармисан деб,
 Ерга олиб кетармисан деб.
 — Тун қўйнида порлаган оёсан,
 Мени имлаб чорлаган оёсан.
 Сени бориб етганим бўлсин,
 Ерга олиб кетганим бўлсин.
 Лекин бунда бор бир париваш,
 Қарашидан дилларда оташ.
 Юзи унинг моҳи тобондир,
 Қўзи унинг офати жондир.
 У қаршингда кўрсатса чирой,
 Қўкка қайтиб кетмайсанми, ой?



ДИЛДОРГА НОМА ЁЗДИМ

Гуа буйларини боғдан
Келтирган эй, шаббода,
Дилдорга нома ёздим,
Еткур уни ҳавода.

Еткур уни ва лекин
Кўнглига қайғу солма,
Шарҳи дилм этарда
Бўлсин тилинг навода.

Ҳасрат тула сўзингдан
Озор топар нигорим,
Рамзи ишора бирдан
Қилгин уни ифода.

Гуабарти долани элт,
Қўйгин қадаҳ ёнига,
Юз ҳажрида юрак қон
Мисли қадаҳда бода.

Барги ҳазонни олиб
Ёнига қўйгин-у айт:
Бу ошиғинг юзи деб
Ҳижрон деган бамода.



Гуа шохидан тикан уз,
Гуабарти лолага санч,
Кўксимга тиг урайми,
Ҳеч қолмади ирода.

Сахро ғуборидан элт,
Ҳозирлигимни билсин
Мен дашти Қарбалои
Кезмоққа ҳам пиеда.

Бир тола кипритимни
Элтиб оёғига қўй,
Бедор кўзим йўлида
Ҳар шом ила сабода.

Дилдорга нома ёздим,
Еткур ўзинг, мен ожиз,
Гуа буйларини боғдан
Келтирган эй, шаббода.



ЧАШМА

Ўлтирар сочин тараб ёр
Чашманинг ўтрусиди.

Чашма ўз аксин кўрар
Ёр чехраси кўзгусиди.

Дилдан оққан меҳрдек
Ёр кўксидан қайнаб оқур,
Чунки кўз очмиш санамнинг
Кўзлари орузсиди.

Икки ирмоқ кўз ёшида
Ҳажр дардидаур аён,
Васл шавқи зоҳир ўлғай
Раксиди, кулгусиди.

Гоҳи урғай ўзни ҳар ён,
Билмам, уа девонаму,
Ё ҳаёли бирла мендек
Туғанур уйқусиди?

Сочларинг бирла юзингни
Тўсма, кўй, хушид жамоа,
Жиља қилсин, яйрасин
Бир дам юзинг ёғдусиди.

Дилбарим, Эркин дилин сен
Бир тиниқ сарчашма бил,
Акс этар ишқ офтоби
Қабининг кўзгусиди.

КИПРИГИНГ ДАН ЎҚ УЗИБ

Кипригингдан ўқ узиб
Кўксим аро заҳм айладинг,
Дилни забот этмоққа, баки,
Чох ўйиб лаҳм айладинг.

Ташна кўнглим ичмасин деб
Кўз ёшимдан қатра ҳам,
Ашк сойининг йўлига
Кипригим даҳм айладинг.

Сен ўзинг кирдинг кўнглига
Ғам сипоҳин бошида,
Ғарлат уйқусида эрдим,
Айт, нечук фаҳм айладинг?

Сен кўнгли мулкени торож,
Қаюб уйин вайрон этиб,
Пора қилдингму танимни,
Жонима раҳм айладинг.

Ошиқ ўлдинг, эй кўнгли,
Ғам лашкаридан йўрқатил,
Бари чопқу олдда, Эркин,
Не учун ваҳм айладинг?



БАРГ

Икки қошинг ўсма бирадан
 Бўлди жуфт наргисли барг,
 Икки баргинг қошида мен
 Титрагайман мисли барг.
 Титрамоғим боиси уа
 Баргини тебранмоғидир,
 Ёки оҳимданму титрар
 Бўйла нозик ҳисли барг.
 Барг дедим, аммо билоамам,
 Қай бири хушбўй экан,
 Икки мушкін сунбулнинг ё
 Икки райҳон исли барг.
 Ўсмали қош дема, зумрад —
 Нақш этилган саждадоҳ,
 Кам букун меҳробга ихлос,
 Лек бу кўп муҳлисли барг.
 Ўт юзингинг шуъласидан
 Бу қорайган қошми ё
 Субҳи байзодек гул узра
 Шоми савдо тусли барг.
 Воҳ ажаб, ўз наргисига
 Банда бўлмиш, не илож,
 Индамай киприк — тикан
 Заҳмин чекар номусли барг.
 Икки барг таърифин Эркин
 Шерга соҳа тонг эмас,
 Уа бири ташбеҳли баргу
 Уа бири таънисли барг.

КЎЗИНГ

Ҳажрдан тор бу кўнгила
 Шуълафшондир кўзинг,
 Ё магар кўнглим йўқолган
 Тор шабистондир кўзинг.
 Ҳам қоронғу кечадир уа,
 Ҳам ёруғ кундуз мена,
 Кўларимда кеча-кундуз
 Чун намоёндир кўзинг.
 Ҳусн аҳли ичра тенгсиз
 Сен-ку хоқонсан ўзинг,
 Сеҳр мулки ичра танҳо
 Шоху султондир кўзинг.
 Турфа бу жодуларингта
 Термулиб ломен букун,
 Кўларим ҳайронлигига
 Нега ҳайрондир кўзинг?
 Ҳисларимнинг саканида
 Бир адашган йўлчиман,
 Севги бўронин юборган
 Чексиз уммондир кўзинг.
 Кўларинг юлдузми, йўл,
 Юлдуз эрур ҳар учбунни,
 Қорачи куйган қуёш
 Мовий осмондир кўзинг.
 Ёр кўзин уммон деб айтдинг,
 Унга сув тўқмоқ нечун? —
 Бас, ани кўрганда, Эркин,
 Нега тирёндир кўзинг?





БАНДИ ЗУЛФ

Воҳ ажабким, зулфингга дил
 Қайта-қайта бўлди банд.
 Неча-неча банд бўлишдан
 У а емабдир заира панд.
 Ишқ сўзин такрор этибдир
 Тўтидек ҳар дам тилим,
 Чунки бу тил лабларингдан
 Тўти янглиғ сўрди қанд.
 Шафқат истарман дилнингдан,
 Гул юзингдан бир висол,
 Кузларингдан май сўраман,
 Лабларингдан нўшханд.
 Сунбулинг гар дом эрурса,
 Домо мен банд бўлай,
 Дард эса ишқинг, бўлай мен
 Бир умрга дардаманд.
 Ҳажр куйдиргай эмишдир,
 Васл ўлдиргай эмиш,
 Кел, мени куйдирма, ўлдир,
 Мента ўлмоқ не писанд?
 Ўт ёқиб кетдинг юракка,
 Мен тиярман куз ёшим,
 Чунки истарман, бу гулхан
 Дом ўлсин сарбақанд.
 Ташладинг банд айлаб аввал
 Не учун Эркин дилан,
 Йўлда қолмиш оху янглиғ,
 Бўйинида тори каманд.



ДОСТОНГА ЁЗ

Кел, муҳаббат даззатин
 Таъриф этиб достонга ёз,
 Турфа гуллардан тикиб,
 Ҳар байтини бўстонга ёз.
 Севги назмига жаҳоннинг
 Гулистони етмагай.
 Нур қалам бирдан муҳаббат
 Шарҳини осмонга ёз.
 Лолагун айлаб яна
 Мағрибу машрик уфқини,
 Бир ғазал васлига бахш эт,
 Бир ғазал ҳижронга ёз.
 Таърифи ишқ дардига
 Этин юрак қонин сиёҳ,
 Дилга ёз дилбар сўзин,
 Жонон сўзини жонга ёз.
 Дарлни сен ҳар кимга айтиб
 Оху фарёд этма кўп,
 Куйса жонинг, жонажонинг,
 Шавқи жон жононга ёз.
 Баҳрасиз олдиди, Эркин,
 Очма кўнгли дафтارين,
 Неки ёзсанг, дил сўзини
 Англаган инсонга ёз.



САМАР БЎЛАҒАЙ

Сенингсиз менга ком йўқдир.

Асад ичсам заҳар бўлағай.

Сенинг бирдан ширин сўзим,

Заҳар ютсам шакар бўлағай.

Юзингга бир умр боғсам

Тўюрми кўз, қонурми дил.

На ундан беағти пайдо-ю,

На бундан бир асар бўлағай.

Икки ёр васанини истаб

Икки ипш сўзин эпитсам,

Икки кўзим кўру, икки

Қулоғим, майли, қар бўлағай.

Кўзинг учганда кўнглимни

Ойиб киприкарингга қўй,

Қошу мужгонларинг кўнглим

Қушига боғу пар бўлағай.

Тирилса ногоҳон Фарҳод,

Юзингга кўрса кўзғуда,

Кечиб Ширинидан юз йил

Кўйингга дарбадар бўлағай.

Ҳабибим банд этар кўнглим,

Табибим панд этар доним,

Билолмасман, бу савдода

На суду на зарар бўлағай.

Муҳаббат ногоҳон дилда

Ёниб қуртақ, очибдир гул,

Умидвор Эркининг, жоно,

Бу гулдан бир самар бўлағай.

ҲИЖРОН ЮКИ

Айлаш жондин жудо

Этигунча жонондин жудо.

Алишер Навоӣ

Розиман тушгунча дилга

Ногоҳон ҳижрон юки,

Ногоҳон, майли, танимдан

Айру бўлсин жон юки.

Мен бўлай жондин жудо

Бўлгунча жонондин жудо,

Не керак жон, эса жоним

Бир умр армон юки.

Лаҳзаи ҳижрон юкига

Бистун уқпарчадур,

Бир қадолуқ тошча келмас

Ер билан осмон юки.

Офтоб ҳижронида тонг

Сабазарга қўнди нам,

Ўйлаким, киприкаримни

Эгди тонг гирён юки.

Ҳажрда ўтган нафаси

Йил билан ўнчар кўнгли,

Айрилиқда шёр битибман,

Унда бир девон юки...



ПАРИШОНЛИК

Эркин Воҳидов

Доймо дедим, бўлма

Ошино, парижонлик,

Бўлди ошино дилга

Доймо парижонлик.

Дилрабо ҳаёида,

Не ажаб, парижонмен,

Ошикор этар доим

Дилрабо парижонлик.

Мен ўзимча дилбарнинг

Ёди бирда маррумен,

Дейдилар, қилур пайдо

Киёр-ҳаво парижонлик.

Кулса эл парижонлик

Одатимга, тонг йўқдир,

Аҳли дилга, алабатта,

Нораво парижонлик.

Бевафо нитор ёдин

Тез унутмоқ истаюмен,

Аек менда йўқ бу хил

Бебаҳо парижонлик.

Севги шундай навоҳорки



Ҳажр дардига қилмас

Васлидан шифо, энди

Бир даво ҳаёнию,

Бир даво парижонлик.

Ёди бирда худ бўлсам,

Жабри бирда беҳудмен,

Қилди сернаво ёди,

Бенаво — парижонлик.

Зулфиму парижонлик

Одат этди, ё кўнглим

Айлади парижонҳол

Бу қаро парижонлик.

Келди қай кунни бу дард.

Хотиримга келтирмам,

Банд этибди Эркинни

Мутлақо парижонлик.



ЖОН ТАДАШ

Жон билан дил ўртасида
 Бўлди ул жонон талаш,
 Не ажаб, ўзбек уйида
 Доимо меҳмон талаш.
 Мулки дил жон хайли бирдан
 Ёр талошини қилур,
 Қай замон бўлмиш икки эл —
 Ўртасида хон талаш.
 Жону дил хунрезлик айлаб
 Бўлди охир тилка жон,
 Дил эса макруҳ, анорнинг
 Донасидек қонгалаш.
 Жону дил қилди талошу
 Бунда келди минг бадо,
 Ўртада мен мубталою
 Зору саргардон талаш.
 Бу талош васфини битсам
 Лолазор бўлгай замин,
 Сўзларим анжуми сиемай
 Лавҳаи осмон талаш.
 Билмам, ул ой жону кўнгли —
 Бира келгай, ё кетур,
 Ваҳки, қолмоқ бирла кетмоқ
 Ўртасида жон талаш.
 Жон-ку, бир парвонадур,
 Эркин, уни ҳеч уйлама,
 Ишқ бозорида бўлсин
 Сен битар девон талаш.



ШОҲИГУЛ

Оташин гул уздим, ол, бу —
 Шоҳигулар шоҳи гул.
 Гул сочиг йўларда бўлсин
 Гул юзим ҳамроҳи гул.
 Шоҳигул эрмас бу, ўтауғ —
 Юзларинг хижрониди,
 Интизор боғ кўксидан
 Чиккан фиғону охи гул.
 Ишқ элининг қатра-қатра
 Қонидан унган чечак,
 Севгининг ошиқ кўнглиларга
 Оловли чоҳи гул.
 Билгали кўнглингни, кирсам
 Боғинг ичра ҳар замон,
 Шоҳигулга ёлворурман,
 Сирларинг огоҳи гул.
 Бу жаҳон гулазорида
 Ҳар бир чечакнинг ўрни бор,
 Хоҳ тикандир, хоҳ печакдир,
 Хоҳи япроқ, хоҳи гул.
 Гул эмас, Эркин кўнглингда
 Тутди ўтдек қалбини,
 Оташдан кўрбма, ол,
 Ол, куймагайсан, Моҳигул.



Ажаб, ёшликни не қилдим —
 Фақат орузда ўтқардим.
 Ҳаёт олинда деб билдим.
 Шу пок туйғуда ўтқардим.
 Ҳамиша ненидур кутдим,
 Ҳамиша йўлга кўз тутдим,
 Умрининг ярмини ўтдим,
 Ширин уйқуда ўтқардим.
 Кўниб чеккамга оқ тола,
 Бўлибман қирқ яшар бола,
 Ки, ёшлик кетди, мен вола,
 Наҳот, беҳуда ўтқардим?
 Совир бир кун юрак қоним,
 Келар осудалик оним,
 Ажаб туғғани давроним
 Нечун осуда ўтқардим?
 Севиб, билмай севиш расмин,
 Тилаб ҳижронда ёр васлин,
 Муҳаббатнинг ширин фаслин,
 Кўринг, қайғуда ўтқардим.
 Қолиб борлиқ ўзи бирдан,
 Бокйб хайрат кўзи бирдан,
 Куним шевр дилсўзи бирдан
 Ёнинг жолуда ўтқардим.
 Бас эй, бас, чекма афсус, дил,
 Ҳамон оруз қил, оруз қил,
 Умид — нур, қирқни мен қойил,
 Фақат ёғдула ўтқардим.

ФИРОҚ ҲАКИДА



Сен йироқда,
 Ёринг йироқда,
 Ўртанади жонинг фироқда.
 Тутаб борар бардош — саботинг,
 Учай десанг йўқдир қанотинг.
 Севар ёринг васлига муштоқ
 Кечаларинг ўтади уйғоқ...
 Аммо ғамдан бошингтни бўлма,
 Шадво кўздан ёпингтни тўлма.
 Дилбар, буни фироқ дема ҳеч,
 Ёрим мендан йироқ дема ҳеч.
 Чунки оро кириб жонингга,
 Бағринг бир кун келар ёнингга.

Сени ноҳақ
 Ранжитди ёринг,
 Ё ўзадан рашиқ этди ёринг.
 Номишингга қулоқ солмади,
 Изҳорингдан кўнгли қонмади.
 Кетди, бокмай ҳатто қайрилиб...
 Сен буни ҳам дема айрилиқ.
 Дил ўртама, йиғлама асло.
 Сен бу ҳижрон зуммати аро
 Пок севгингтни айлагин чироқ, —
 Висол билан алмашур фироқ.



Сен севасан,
Севмайди ёринг,
Ёр кўнглига етмайди зоринг.
Севганингни ёки билмайди,
Ё билса ҳам кўзга илмайди.
Айрилиқда ёнасан бироқ —
Сен буни ҳам атама фироқ.
Чунки севгинг бўлса атар чин
Хижронларни қилар чилтарчин.
Ишон фақат, ҳеч толмай ишон,
Ишонч бўлса чекинар хижрон...

Ёринг бўлса
Ёнингда доим,
Ёринг бўлса — кўркем, мулоийм,
Ҳар онингги кечирсанг бирга,
Бирга бўлсанг бутун умрга,
Ҳаёт куриб, улаб жонга жон,
Пшасанг-у йиллар ёнма-ён —
Аммо бўлса кўнглилар йироқ,
Дунёда йўқ бундан зўр фироқ.
Бу фироққа сира йўқ даво,
Бу фироққа йўлиқма асло!

* * *

Ойдин кеча,
Ёғар кўкдан зар,
Ўйга чўмиб делинг гуа юзим:
«Осмон тўла сонсиз юлдузлар,
Қайси экан менинг юлдузим?»

У бир кичик заррадир, хоҳос,
Йироқдадир, илинмас кўзга...»
Ажаб дейман,
Ким этмиш қиёс
Одамзодни сўник юлдузга?!

Қааб кўксимда ёниб ўрганган,
Этиқодим шу эрур аза:
Минг йил хира юлдуз бўлгандан,
Бир дам ёниб шам бўлган афзал.

Асрий ҳаёт керакмас мента,
Ишқ завқига қониб яшасам,
Парвонанинг умри бас мента —
Фақат ёниб,
Елиб яшасам.

Шу ўй мени банд этар кўлдан,
Шу сабабли дейман: гуа юзим,
Юлдуз излаб нетасан кўлдан,
Ўзингсан-ку менинг юлдузим.



ШАҲР АРО...

Ўзингсан-ку менинг юлдузим,
Сурайёдан, Зухродан ортиқ.
Кўк тоғидан омадек узиб,
Бирин сента қилайми тортиқ?

Кел, истасанг ой ҳалқасини
Қулоғингга тақай, дилбарим.
Хушнуд этса юлдузлар сени,
Этагингга тўқайин барин.

Фақат, жоним, ўзингги зинҳор
Юлдузларга этмагил ёис.
Ёниб яша то танда жон бор,
Кувёш бўлгин, азизим, кувёш!





УЧ БАЛОДАН САҚЛАСИН

Уч балодан сақласин,
 Чархи балокаш бўлмасин,
 Дуст меҳрсиз, дардсиз уафат,
 Ёр жафокаш бўлмасин.

Дил атар пайванд эрурса
 Не жафо чекмак фирор,
 Ҳеч кўнгли севган кўнгли —
 Ёнида яккаш бўлмасин.

Севги барқу оташида
 Ўрганишни фам демам,
 Ошиқона бу дилим
 Бебарқу оташ бўлмасин.

Юзта жоним бўлса ҳар бир
 Кокилингта бир пиланк,
 Толасига ўзгаларнинг
 Кўнгли чирмаш бўлмасин.

Неки дард бор, неки кулафат
 Бу жаҳоннинг кунжида,
 Мен бўлай юз минг гирифтор,
 Лек маҳваш бўлмасин.

Мен ёниқ қалбимни тутдим
 Сентга кафт узра кўйиб,
 Ол уни, ўйнаб ва лекин
 Ўтга ташлаш бўлмасин.



Ёрни офтоб дилинг, Эркин,
 Куймагин ҳижронида,
 Офтоб гоҳ беркинур,
 Бундан дилинг ғаш бўлмасин.

ЖОН ТУГАМАЙДИР

Оламда аёл мадҳига дoston тутамайдир,
 Чун ишқ тутамас, ишқдаги армон тутамайдир.
 Назм этди тутал Ҳофизу Савдио Навоий,
 Не ёлади, деманг, шори даврон тутамайдир.
 Гар арсаи ашвор эса ишқ баҳсига майдон,
 Майдонда чавандоз кўту, майдон тутамайдир.
 Ҳусн аҳли учун бўлмас адо нозу адолар,
 Ишқ аҳли учун нолаю афгон тутамайдир.
 Ҳар неки ёнар, йўқ бўладир, лекин ажабким,
 Мангу ёнарак ишқ ўтида, жон тутамайдир.

НА ҚИЛСИН

Ишқ ақмидир парипон,
 Ўзга бино на қилсин.
 Шер ақмидир девона,
 Кибору ҳаво на қилсин.
 Ҳусн асли бевафо-ку,
 Гар унга бўлса мағрур,
 Ҳусн аҳмининг ўзайда
 Сидқу вафо на қилсин.
 Ишқ офатига ошқ
 Дил амри бирла киргай,
 Дард ила шод экан ула,
 Маҳам, даво на қилсин.
 Қурсат ўзингни — шу бас,
 Кўнглимда бошқа уй йў.
 Айб этматга тикилсам,
 Қўзда бало на қилсин.
 Ёр васалдан тополмас
 Эркин дилга таскин,
 Афсус демакдин ўзга
 У мубтало на қилсин...

ГУАНОРИНИ ЎЛ...

Уйғуда топпанг ниторинг,
 Аста гуанорини ўл.
 Очмаса чашмин, юмуғ ула
 Чашми хумморини ўл.
 Сен-ку уйғоғида восил
 Бўлмагайсан лаълига,
 Уйғониб аччиқ суз айтмай,
 Лаъли шаҳдборини ўл.
 Рўзгоринг қора қилмай
 Зулфини кўксингга бос,
 Кўксингга ботмасдан аввал
 Киприти хорини ўл.
 Васл уйи мангу эмасдир,
 Ишқдами боқий эмас,
 Коматинг ё бўлмасидан
 Қоши зангборини ўл.
 Тақдир умрингнинг хатига
 Нўқта қўймасдан бурун
 Хатти бирдан лабга посбон
 Холи рахдорини ўл.
 Ёрининг уйқуси ғанимат,
 Сен бу тун бедор бўла,
 Бир-бир айтмайман, дилнингта —
 Хуш надир, борини ўл.



Уйғониб сўнг, майли, Эркин,
 Дорга оссин ёр сени,
 Кўзга сурт сиртмоғинию,
 Тиз чуқиб дорини ўт.



ЭА НЕТИБ ТОПҚАЙ МЕНИ...

(Навоний ғазалига мухаммас)

Кўнгалм айтур, севги домига асир тайёраман,
 Дер кўзим, хижрон тунги зор йиғламоқдин қораман
 Жон дегай, ўт ораман, тан айтадир, минг пораман,
 То муҳаббат дашти бетоёнида овораман,
 Ҳар баянит келса ишқ опубидин бечораман.
 Уа хазон фаслидаги саргашта бир япроқ манам,
 Айрилибдурман чамандан, масканим дашти адам,
 Изамаман ҳаргиз нишоним, топмагaysиз зарра ҳам,
 Эа негиб топғай мениким, мен ўзимни топмасам,
 Бўйлаким ишқу жунун саҳросида овораман.
 Қарбало даштида кўрган оҳулар бирдан мани,
 Англади Мақжун билан бир жон мани, бир тан мани.
 Енди жон, бир лайивашнинг дарди куйдирган мани,
 Оз дуди ичра бир учқун қаби кўрган мани
 Билдиким, хижрон тунига кавкаби сайёраман.
 Қошларинг хижронида ёйдек эгилсам не ажаб,
 Гунча лавлинг ишқида бағримни тилсам не ажаб,
 Шамъи ҳуснинг шавқида ўтга ёқилсам не ажаб,
 Кеча ўртансам, саҳар фарёд қилсам не ажаб.
 Ишқ аро парвонаю бўлбулга мен ҳамкораман.
 Хўблар васли ганимат, хизматини айла хўб,
 Нури дийданг шамъ этиб тут, қоматингни айла чўб,
 Борида қадрига ет, кетганда тулпроғини ўт,
 Эй Навоний, борди деб аҳбоб таъзир этма кўп,
 Ит қаби мен эргашиб уа коривонга бораман.



САККИЗИНЧИ МАРТ

Букун ўзгачадир жиявай олам,
 Букун ўзгачадир борлиқда ханда.
 Букун кўзларимга гўё кўёш ҳам
 Шафақ гулханида таранг чирманда.

Букун тонг эгнида атласдан кўйлақ,
 Шафаққа ўралган қизлардай гулгун.
 Илк бора кўз очиб чиққан бойчечак
 Санамлар кўлига интизор букун.

Букун гўзалликнинг кутлуғ айёми,
 Қизларнинг кўламга мослиғидир бу.
 Юраклар лиммо-лим муҳаббат жомин,
 Баҳор келганининг ростлиғидир бу.

Ҳа, букун элда ҳам, дилда ҳам баҳор,
 Шодлик хандлари фалакка туташ.
 Букун эртабаддан йигитлар қатор,
 Агтор дўкониди аттирлар талаш.

Отахон чоллар ҳам тавозе билан
 Етмиш йиллик ёрин сизлаб турибди.
 Букун шoirлар ҳам ўз бисотида
 Энг яхши байтларни излаб турибди.

Овора бўлманг, эй ҳассос шoirлар,
 Аёл тасвирига ожиз эрур шеър.
 Чунки ёр зулфининг бир толасига
 Ташбиҳ топа олмай ўтган Алишер.

Севги асрорини изламай кўйинг,
 Топилмас нарсани қилдирмоқ нечун?
 Муҳаббат сирини биламай ўтган
 Карбало даштида овора Мажнун.

Минг йилча муқаддам Хофиз Шероз
 Бир гўзал холига бўлганди бонда.
 Тасаввур қилолмам, не дер эди у
 Букун анжуманда ўзи бўлганда.

Балки, айтар эди у бир лойиқ суъ,
 Балки, ташбеҳлари бўлар эди фоти.
 Чунки кўзингизга тенг қайси юлдуз,
 Юзингиз олдиди нимадир кўёш?

Сиз, ахир, сийнаси самони қўчган,
 Сизнинг измингизда замин у замон.
 Сиз ой кемасида ой бўлиб учган,
 Ёрур чеҳрангиздан олам чароғон.

Букун ўзгачадир жиявай олам,
 Букун ўзгачадир борлиқда ханда.
 Букун кўзларимга ҳатто кўёш ҳам
 Шафақ гулханида таранг чирманда.



* * *

Тинглайман кўп ўзбек сўзларин
Хоразмча талаффузини.
Хуш кўраман у ер қизларин
«Кўйсангиз-а» деган сўзини.

Улар бунни айтса мулоим,
Тилларидан асад тўкилар...
Хоразмлик қизларни доим
«Кўйсангиз-а» дегизгим келар.



* * *

Париваш чеҳрасига берса оро,
Қилар ҳайрат билан кўзгу тамошо.

Кетар жоним олиб қарвонда ёрим,
Ғуборин кўзларимга айладим жо.

Мени уйқута этди дарди хижрон,
Хаёли кипригимда бўлди пайдо.

Қулар гул йиғлаганда бўлбули зор,
Мен у гул хандасидан хору расво.

Фироқ ўқин пари кўксимга отди,
Ажаб, ғам тоғи узра унди раъно.

Фано даштин тутар маскан муродим,
Анга парво йўғу менга тасалло.

Асад, ожизлигингни англадингми,
Нечун билдинг ўзингни бунча доно?



ВАФО

1

Соинганда излаб бир нишон
Қабринг томон мен оламан йўл.
Келтирардинг менга бир замон,
Энди ҳар чоғ мен элтаман чул.

Зулфия

— Гарчи йиллар чанги ҳар нега қодир,
Мени қилолмади ёдингдан нари.
Яна ҳузурингда турибман, шoir,
Қўлимда бир қучоқ баҳор гуллари.
Ажаб, қатра ёш йўқ бу кун қўзимда,
Қўқсимда йўқ зарра аламдан тутун.
Ғам эмас, шодлик бор қора қўзимда,
Сени қўтагани келганман бўгун.
Толе қулганда ҳам ҳижрон-баода
Баҳам кўриб севинч, дард-ҳасратимиз —
Қирқ йил умр кўрдик бирга дунёда,
Бу кун қирққа тўлди муҳаббатимиз.
Биз қирқ йил ёнма-ён, орузга банд,
Фарқат саодатни тараннум этдик.
Вафо деб аталган тоза гулшанда
Ўзинг оруз қилган кунларга етдик.
Мана, сен жонингдан севган Ватанинг,
Толенинг тисоли, оламда мумтоз.
Самовий кемадар, орузинг сенинг
Ложувард кенгликка қилдиар парвоз.
Сен бахтлар водийси атаган дийр,



Икки дарё ювган икки кокилин —
Бу кун етти иқлим маҳзанича бор,
Бу кун ўн беш кунлик ой қаби тўлдин.
Ҳушкаринг илмда доводлар ошиб,
Бу кун таҳлил қилаар сенинг дафтаринг,
Йигирма биринчи асрга шошиб,
Бетиним югураб набиридаринг.
Қўлогимга келар кўча-қўйлардан
Қийқириб ўйнаган боалар саси.
Булар — сен ишонган ва сен қуйлаган,
Лек сен етолмаган зафар меваси.
Ғалабани қандай оруз қилардинг!
Орузларинг эди дилнигга қанот.
Сен қандай қувониб тошган бўлардинг —
Енгганин кўрсайдинг ўлимни ҳаёт!
Шеър бўлиб тўларди қалбингга сенинг
Майдонлардан оққан музаффар турлар...
Ҳами совиматан қабрингга сенинг
Зафар салотидан тўкилди чўғлар.
Тобора кетмоқда ёшлик йироқдаб,
Лаҳза ором билмас ҳануз дил сенсиз.
Ҳар баҳор келганда сени сўроқдаб,
Оламда яшабман ўттиз йил сенсиз.
Умрим бир он сендан айру бўлмади,
Сочларимга қўнди тола-тола оқ.
Йиллар сени мендан йироқ қилмади,
Йиллар иккимизни етди яқинроқ.
Мен сени ҳеч қачон йўқотганим йўқ.
Доймо ёнимда нафас оласан.



Очиқ дафтариингги кўзғотганим йўқ,
 Ўйлайман, кечкурун келиб қоласан.
 Тонг сени уйғотмай мен ишта бориб,
 Кеч боғда сен учун узаман тилос.
 Ҳар кун уйимдасан, аёқ ишдан ҳориб
 Нариги хонада ётибсан, холос...

Аввал сен ўқийсан янги шеър ёзсам,
 Сента айтдим севинч ғаму андуҳим.
 Мен ўзим қай маҳал қайда бўлса ҳам
 Сен билан боғларда сузашар руҳим.
 Висола айланди мен учун ҳижрон,
 Ёдингга шунчалар ўрганиб қолдим, —
 Азиз жонинг билан туташди-ю жон,
 Балки, мен ўзим ҳам сен бўлиб олдим.
 Ҳассос қаламингги тутдим қўлимга,
 Сен бўлиб куйладим мен жону дилдан.
 Сени тирик дедим қизим, ўғлимга,
 Йўқлигингги доим яширдим элдан.
 Юлдузлар чиққанда ҳар кеч фалакка
 Сенинг кўзларинг, деб кўкка қарайман.
 Китобинг варақлаб тонггача якка
 Сатрларинг билан ўзани ўрайман.
 Сен ҳануз турибсан ўттиз беш ёшда,
 Ўшандай ғайратли, ўшандай ўқтам.
 Нега энди сендан бўлайин бошқа?
 Ўттизга етмаган ёшдаман мен ҳам.
 Шунча узок бўлиниг, бас, энди етар,
 Бир даҳза мендан ол танҳолик юкин.
 Бир даҳза, шoirим, бошингги кўтар,



Сени қутлагани келганман бугун.
 Ана, қўтарилиди уфқдан қуёш,
 Бу сенсан, шувъалар — заррин қанотинг.
 Мента қутлуғ бўлсин вафо ва бардош,
 Қутлуғ бўлсин сента янги ҳаётинг.

2

Ҳалққа айтилинг:

Мен асло ўлганим йўқ!

Ҳамид Олимжон

— Мени, барҳаётсан,
 Дединг, шoirим,
 Ёруғ дунёдаги
 Ҳаётим ўзинг.
 Мен уни ногоҳон
 Тарқ айлаган дам
 Қолдирган байтиму
 Баётим ўзинг.
 Айрилиқ қисматда
 Бор экан, нетай,
 Лекин сен бирламен,
 Мени ёр десанг.
 Не учун оламдан
 Йўқ бўлиб кетай,
 Мени ўз ёнингда
 Доим бор десанг.
 Ҳаётдаман,
 Фақат



Жисмдан холи,
 Дунени кўксимда
 Сезиб турибман.
 Фазода сайр этган
 Кема мисоли
 Борлиқ теграсида
 Кезиб юрибман.
 Хастимни этмиш
 Мангу чарогон
 Сенинг қабингдаси
 Ойдин хаёллар.
 Бевафо дунёда
 Яшайди инсон
 Борлиги туфайли
 Сендек аёллар.
 Кечди тирик умрим
 Шеръ билан пайванд.
 Хайрат кўзи билан
 Атрофга боқдим.

Гоҳи пастга тушдим,
 Гоҳ чиқдим баъдан,
 Зарафшон сувидек
 Хайжириб оқдим.
 Аммо хастимнинг
 Пок дурдонаси,
 Мен тошган энг аъло
 Шерим,
 Ғазалим.



Қабимнинг энг юксак
 Шодиёнаси
 Сен бўлдинг,
 Фаритам,
 Доно гўзалим!
 Ёдингдами, бизлар
 Илк кўришган чор?
 Борлиқ кўнглимиздай
 Мунаввар эди.
 У олам,
 У осмон,
 У яшнаган боғ
 Гуё бахтимга тенг
 Муяссар эди.
 Кун-кун эмас эди,
 Шеръ баҳси аро
 Қўшалоқ шам каби
 Ёнмасак агар, —
 Қўзларингдай қора
 Кечалардан то
 Юзларингдай ёруғ
 Субҳидам қадар.
 Сўнг...
 Бир кун ёнингта
 Шошиб келардим,
 Фурсат тўхтаб қолди
 Йўлда ногаҳон.
 Интилиб,
 Интилиб



Етолмай,
 Дардим —
 Дилга оқди, гўё
 Бир писла қон.
 Сўнг...
 Сен нола қилдинг
 Сочингни ёйиб,
 Фирюза томчилар
 Оқди юзимга.
 Кейин...
 Ҳамма нарса
 Бўлди-ю ғойиб,
 Синтиб қолди фақат
 Чехранг кўзимга.
 Шоирам!
 Сен бонс
 Ҳаётда қолдим!
 Жоним кипригингда
 Тутди-ю макон,
 Кўзингда кўзларим,
 Қалбингда қалбим,
 Вужудингда ўзим
 Бўлдим намоён.
 Менинг ҳам созимдир
 Кўзингдаги соз,
 Менинг ҳам изим бор
 Ётган йўлингда.
 Кўшиқларим қилди
 Одамга парвоз,



Даставвад жаранглаб
 Сенинг тилингда.
 Шундан икки илҳом
 Ёр бўлди сenga,
 Қалбингда сўйлади
 Ҳамоҳанг диллар.
 Шу бонс
 Дилрабо
 Нозик шеърингга
 Куйилди
 Жанговар,
 Ёниқ сатрлар.
 Ҳассос шеър таралди
 Қонлот бўйлаб,
 Унда нолаю бонг,
 Эрк оҳанги жам.
 Ўтга қалбдан чиққан
 Кўпингнинг тинглаб,
 Ўзбек овозини
 Таниди одам.
 Шоирам!
 Машъалнинг
 Кўтаргин баланд,
 Минглаб оналарнинг
 Юраги сенда.
 Бир умр ёрининг
 Ёдига пайванд
 Мунис келинчақлар
 Тилаги сенда.



Сен ўтган йўлларда
Чечаклар ёлсин,
Сен кирган хоналар
Бўлсин чароғон.
Кўзларингдан кўёш

Шуъалалар оласин,
Юлдузларин соҳсин
Бошингдан осмон.
Торинг минг бўлбудадай
Тошиб сайрасин,
Ғаму ҳасратларни
Айлагин барбод.
Сен шундай яйраки,
Олам яйрасин,
Агар менинг руҳим
Бўлсин десанг шод.
Баланд уч,
Олис уч
Шеъринг самода,
Мен учун ҳам яша,
Куйла, шонрам!
Ўзинг айтганингдек,
Ёруғ дунёда
Сен ҳаёт экансан —
Ҳаётман мен ҳам!

ИШҚ ИСТИЛОСИ

Кўнгул мулкини торож —
Айлаган ишқ истилосидир.
На бўлгай охири, бу
Истилонинг ибтидосидир.

Дегайлар, дўстликдан —
Бошланур ишқ, акси эрмасми,
Биз энди дўст, деди ёр,
Оҳ, бу сеvgи интиҳосидир.

Баланд парвоз этар ёр —
Дил ҳуши, кўзларни дом айлаб,
Ўни сайд айламоқ ё
Ҳар кўнглининг мудаосидир.

Нечун ҳусну садоқатни
Эгиз туғмабди бу олам,
Табиат қасдидир ёки
Бу ҳам битта хатосидир.

Кўнгли дардини айтиб
Йиғламасман кўчано кўйда,
Ўзи кўнглимга дард солган,
Ўзи бу дард давосидир.



Топиндим ёр – санамга мен
Муҳаббат саждагоҳида,
Билинг, динсизлар осиймас,
Муҳаббатсизлар осийдир.

Жафо қил, майли, дилбар,
Басла умидин қўймагай Эркин,
Ётар йўлингда қўнғим –
Бир ширин сўзининг гадосидир.

«САДОҚАТ»

Хотин дەر: Қўрқаман, бир замон эрим
Детан: – Эгри юрсанг жонинг оламан.
Ўттиз йил яшадик ўшандан бери.
Хар кун бир ўлимдан омон қоламан.

СОДДАЛИК

Йитит айтар: Жонон, севар ёрим бўла,
Ардоқлаб бошимда олиб юраман.
Жонон айтар, дуруст, гапингиз маъқула,
Эримдан маслаҳат сўраб кўраман.



ТҶҲ ОҚШОМИДА

Икки ошиб ўхшар юлдузлар аро
Учиб юрган ёндош сайёраларга.
Севги фазосида улар бор танҳо,
Не парво ердати овораларга.
Улар биздан олис қилмоқда парвоз,
Сомон юлдузлари кумуш пойандоз...
Сиз, таванхонада, янгалар, жонбоз
Чучвара уйсиз тоғораларга.
Уларнинг қалбида илоҳий туйғу,
Қудрати олийга турар рўбару,
Сиз эса, нотиглар, қандоқ жазо бу,
Халас панд ўқийсиз бечораларга.
Севги – япроқларнинг шиттирлашидир,
Севги – юлдузларнинг шивирлашидир.
Севгида самовий сукут яхшидир,
Сиз қарнай қўшасиз ногораларга.
Интизор жонларга беринг ал-амон,
Муҳаббат аршида урсинлар жавлон.
Эй, сен, тўзал синглим, ошиб укажон,
Оқ йўла, саодатли ситораларга!

БАҲОР МУСТАҲЗОДИ

Гуа фаслида соз олади яна
аҳми наволар,

куй бошадли ёна.

Не тонгки, гузал бўлди жаҳон,
еру самолар,
ҳар тилда тарона.

Кўк бирла замин бир-бирита
ошиқу маршук,

бир-бирга туташган,

Сочмоқда у борон ила
жонбахш зислар,
ичмоқда бу қона.

Зумрад даладар бағрита
ут қуйди шафақгун

рақс этгувчи лола,

Ёндирганидек бизни пари
моҳилиқолар,

ут насли — жонона.

Гуа бошин эгиб жиммавлар,
бахтли келинчак,

машпотаси — офтоб,

Булбул тилида нола надилар,
завқли садолар,
бу — савти замона.

Мен ҳам қаламим қўлга олиб
уй сурадиларман,

ташбих қилдирурман,

Юрт шаънига ёзмоқ тилагим
ҳамду санолар
Шайху Фафуроно.

Эй сен, Ватаним, мента ўзинг
битта жаҳонсан,

бир ўғлинг эрурман,

Жон борича кўнглимда сенга
сидқу вафолар, —
сен мента ягона.

Мен неки ёзар бўлсам, ўзинг
боиси назим,

мадҳим сенга доим,

Битдим яна, жоним, юрагим.
сента наволар,
гуа фасли баҳона.



ҒАЗАЛНИ СЕВГАН ҚИЗ

Сен қулиб турибсан,
Ҳар қандай шор
Қўзларинг ўтида эриб кетади.
Ҳофиз Шерозий тирилиб ҳозир,
Холиғида дунёни бериб кетади.
Нотўқис одамнинг тўқис ва тугал
Ижоди сенмисан, мўъжизий таъбат?
Сени пайдо этиб бунча мукаммад,
Ҳайрат қилмасмикин ўзи табиат,
Ўамас шорларнинг ўамас қалами
Ўамас байтлар битса сен учун, жонз.
Аммо шевригнинг ташбеҳ олами
Қамолнинг олдига нақадар ожиз.
Ғазални севибсан.
Сенга муносиб
Ғазад бор эканми ёруғ дунёда?
Шор бахтли эди бир ташбеҳ топиб,
Шу қулиб турганинг қилса ифода.
Минг йил, балки, сени қилдилар таъриф,
Гоҳи ой дедилар, гоҳида қуёш.
Одам китобини кўрдим ахтариб,
Ҳеч шор қабрингга топмабди қиёс.

Қошингга ёй нисбат, сочингга занжир,
Париларга нисбат жолу ва сеҳринг.
Байт йўқдир оламда қилғувчи тасвир
Оддийгина меҳринг, фидойи меҳринг.
Ғазални хушлабсан,
Сингаим, ташаккур,
Ҳар кўнгли сенингдек ишқибоз бўлсин.
Сенга бирор сатрим бўлмаса манзур,
Оёғинг остига пойандоз бўлсин.





ПИЁЛА

Чинничи қизларга

Тутпроқ ўзи не асран,
Ундан тувора бўлгай,
Жонон кўлида тутпроқ
Жонон пиёла бўлгай.

Бир коса ичра лим-лим
Тилмо сувидур офтоб,
Теккач пиёлага нур –
Зарнакш тола бўлгай.

Тонг унга бергай оқанк,
Солгай баҳор гуллар,
Май нўш этиб шафақтун
Бечора мола бўлгай.

Йўқ, уа пиёла эрмас,
Санъат экан мукаммал,
Кўрганда етти икким
Хайрону вола бўлгай.

Жонон пиёла қилган
Жонон кўлидан Эркин
Май ичмаса дилида –
Ўлгунча нола бўлгай.

ЎЗИМГА САВОЛ

(муштахзода)

Умринг ўтадир, сен на хаёлар сурадирсан,
Берам юрадирсан?
Мақсад не, фароғат кўнга йўл бурадирсан,
Кимга жўрадирсан?

Очилгани кўз шартми экан тошга бош урмак,
Сўнг кўзни яшурмак,
Не ўй бида-нодон тошга бош урадирсан,
Не наф кўрадирсан?
Йиллар кўпи кетди, ози қолди, не қилолдинг,
Ким бўла олдинг?

Кум устига сен бўйла иморат қурадирсан,
Ҳам айш сурадирсан.
Ҳақдингни билиб чек кўй ўйин, базм, ўтиришга,
Кўз оч, ўтир ишга.
Кўрсатмагай уа кўнники, сен оҳ урадирсан,
Хайрон турадирсан.
Йиғлаб келадир ушбу жаҳонга азиз инсон,
Кулгай у кетар он.
Шовдқи, ҳаёт қарзин узиб улгурадирсан,
Қаҳ-қаҳ урадирсан.



МУБОРАКБОД

Икки ёнбағридан тушган кўш ирмоқ
Биринкиб сой бўлиб оққани каби,
Қамар кўзисиню кўёш шўъласи
Учрашиб ой бўлиб боққани каби,

Қарчингай кифтида туташ кўшалоқ
Қанотин фалакда қоққани каби,
Заминда учрашиб офтоб билан сув
Замин кўксига гўл таққани каби,

Ғижжак тораарида учрашган симлаар
Куй бўлиб дилларга оққани каби
Шеър узра туташган қалам ва қогоз
Юракларга олов ёққани каби.

Бу кун икки юрак — икки қабутар
Бир севги навосин чалмоқда ҳассос.
Икки чаманзорнинг икки чечати
Бир янги гулшанга солмоқда асос.

Бу гулшан уйингиз муборақ бўлсин,
Муҳаббат тўйингиз муборақ бўлсин.

МЕНИНГ ЁРИМ

(айтишув)

Менинг ёрим кичгина, йўқдеккина,
Тўшпончадан отилган ўқдеккина.
Тотли сузин эшитиб эртаабдан
Кечга қадар юрамиз тўқдеккина.

Менинг ёрим қорача, холадеккина,
Арининг думидати болдеккина.
Бизнинг аҳвол — қўйичта ари босиб
Беанги даволаган чолдеккина.

Менинг ёрим ингичка, мўрдаккина,
Мўрдаккина бўлса ҳам зўрдаккина.
Тунов кун бир кўтариб ерта урди,
Ғозгина эдим, бўлдим ўрдаккина.

Менинг ёрим сайроқи қушдеккина,
Сайроғи қулоғимга хушдеккина.
Гапларини тинглайман сакраб, сакраб,
Ҳаммомдан кейин совуқ душдеккина.

Менинг ёрим камширу қиздеккина,
Сиздек эдик, сиз бўлинг биздеккина.
Музхонада ҳар нарса узоқ тулар,
Узоқ яшаб юрибмиз муздеккина.



ТОНГ ҒАЗАЛИ

Кўниб гул узра бўлаб
Ишқ китобини varaқлабдур,
Юмўқ тонг кўзлари
Ўтлик навосидан чарақлабдур.

Паридек нозу истиғно этиб,
Тонг лола рухсорин
Ювнб шабнам билан
Бир томчи шабнамдек ярақлабдур.

Шафак кўзгусида
Ўз ҳуснига ошиқ бўлиб боғсиниш
Ва тоғларни тароқ айлаб,
Кўеш сочин тароқлабдур.

Париваш юзи жаборидан
Кўзим арз айласа тонгта,
У ҳам кўзим қаролаб,
Уа пари юзини оқлабдур.

Фироғида куйиб дерман:
У қайси сирли қудратким,
Мени унга яқин айлаб,
Уни мендан йироқлабдур.

Ажаб, тонг хобида Эркин
Кўрибдур ёрини, авоҳ,
Кўз очса — ёри йўқ,
Икки кўли ёстиқ қучоқлабдур.

ДИЛДА ИШҚ ДАРЁЧАДИР...

Аҳли шеър, балки, китобим
Назми ишқ деб очадир,
Йўқ, китобим севгининг
Девонига дебочадир.

Кўзларинг орузсида
Туғдим наво, зебо санам,
Настарин кўз очиб айтсин,
Шеърни ҳам зебочадир.

Балки, у зебоча эрмас,
Балки, у бир гунчадир,
Ҳуснинг офтобида аммо
Кун сайин зеб очадир.

Воҳ, ажаб, номингни айтсам
Лол бўлур тил ҳам кўнгила,
Шеър ипи ногоҳ қаламининг
Игнасида қочадир.

Эркиннинг девонидан ҳеч
Тўмаса кўнглинг, не тонг,
Тилда шеър бир қатра бўлса,
Дилда ишқ дарёчадир.



БАҲОНА ҚИЛМАС

Чин маъшук уаки, ошиқ
Ашқин равона қилмас.

Чин ошиқ уаки, ишқин
Элга фасона қилмас.

Чин дилбар уаки, донм
Сўзида устивордир,
Айлаб висолга ватда,
Сўнг юз баҳона қилмас.

Чин шоир уаки, ўстан
Богини васф қилгай,
Нақшин қарас ичида
Булубу тарона қилмас.

Кузимни тийра деб ёр,
Этмас юзига кўзгу,
Киприкларини тиг деб
Сочига шона қилмас.

Куртак ёзиб кўнгулда
Гула очди гулча ишқим,
Умид кузим ўшанда,
Токай нишона қилмас.

Коним шаробин ичсанг,
Тотсанг жигар кабобим,
Забт этмай ўзни Эркин
Базми шоҳона қилмас.

ЭЙ КАБУТАР

Эй кабутар, шеърим олиб
Ёри дилхоҳимга ет,
Ёр менинг оҳимга етмас,
Энди сен оҳимга ет.

Ошиқ аҳли ичра тенгсиз
Бир гадоданман деб айт,
Хусн мулки ичра ҳеч бир
Тенги йўқ шоҳимга ет.

Гоҳи худман, гоҳи беҳуд,
Шавқу дардим шарҳ қил,
Гоҳи оҳимдан хабарсиз,
Гоҳи огоҳимга ет.

Кўрмасам бир дам жамолин
Моҳи йўқ тундур у кун,
Бахтим осмонда кун-тун
Хушиду моҳимга ет.

Эй кабутар, дўстларини
Соғиниб ёлдим букун,
Сен бу соғинч шеърим олиб
Дўстим Иброҳимга ет.



ТОЛА СОЧ

Ул пари авлодидиму,
Ё башар фарзандиму?

Ҳабибий

Айт, бу сочинг толасиму,
Жон ипин бир бандиму,
Ёки сочинг толасига
Жон итим боғландиму?

Тола-тола сочларингдан
Диа йўқотмиш тинчини,
Ё бу толанг диа ҳушига
Киа тузоғ монандиму?

Кеча чингинг соч учинга
Пахтадан боғлаб пиллик,
Ҳеч қачон эъзоэми пахтаи
Шунча ардоқландиму?

Сочларинг ишқи, бидомам,
Менга роҳат, ё азоб,
Бу илоннинг жонга солган
Заҳриму ё қандиму?

Соч мени девона эттай,
Ё магар шoir қилур,
«Ул пари авлодиданму,
Ё башар фарзандиму?»

ҚУЁШ

Дилбарим ҳуснига кўкда
Маҳмиё бўлсин қуёш,
Маҳмиё эрмас, кўйида
Бир гадо бўлсин қуёш.

Кўрмаса бир дам жамодин
Мен каби зор йиғласин,
Абр ичига беркинби
Мотамсаро бўлсин қуёш.

Гар ҳавас қилса ниторим —
Ҳуснига, барқ урсин ул,
Рашки келса қўйсин-у
Ёнсин, адо бўлсин қуёш.

Ул кеча ёр васлига
Егдим детанда отди тонг,
Қилди дилдордан жудо,
Юзи қаро бўлсин қуёш.

Дейдилар, ишқ оташидан
Офтоб ҳам тафғ олур;
Гар исинмоқ истаса
Қабилга жо бўлсин қуёш.



Бор ишончим, бир кунни
Ёнгай кувеш кутб узара ҳам,
Муз юракларга ва лекин
Нораво бўлсин кувеш.

Сўнмасин олам чароғи,
Тинмасин нур чашмаси,
То муҳаббат умриддек
Умри бақо бўлсин кувеш.



ИЗҲОРИ ИШҚ

Дилга ик бор тушди ногоҳ
Дард аталган кори ишқ,
Дард дебон ким айтмиш они,
Дардларимга дори ишқ.

Ошиқ ўлмакму азоб, ё
Ишқсиз ўлмак изтироб,
Зори ишқ бўлгай кўнгила,
Гарчанд чекар озори ишқ.

Ишқ ўти тушган кўнгила
Ўзга дард бетонадир,
Мен бўлибман, воҳ акжаб,
Дардманли шевр, бемори ишқ.

Ишқ суэин шевримга соқдим,
Ишқ билан ёндим ва лек –
Билмам, ошиқлик надир,
Билмам, надир асрори ишқ.

Шевр ёзилган саҳфаарга
Гул ўраб келдим буюкун,
Пайт кутиб ночор турарман
Қилгани изҳори ишқ.





ВИСОЛ СОҒИНЧИ

Ёр васлини соғинсам

Сайр этайму боғ-роғ,

Боғ-роғ сайр этганимдан

Кўнглим ўамас чоғроғ.

Хушдамас ҳижронда кўнглим

Лолазор сайрини ҳам,

Чунки бағрим лолаларнинг

Бағридан ҳам доғроғ.

Гар соғинчим шарҳин айтсам

Ёндираб Фарҳод ўзин,

Ё очай Мажнунга дардим,

У-ку менадан соғроғ.

Дардашурга дўст қанию,

Дилдашурга ёр қани,

Тоғганим уа ошнароқдир,

Буа эса ўртоғроғ.

Интизорлик дардин, Эркин,

Қалди йўқ, поёни йўқ.

Ёр озор тоғмасин деб

Мен қушарман «роғ-роғ».

МАСАЛ БОРКИМ...

Ажаб, васлинга мен энди

Етишганда кўринди моҳ,

Масал борким, оғиз ошта,

Бурун тошта тегибдир, воҳ!

Кулиб юртай эдим бир вақт

Ёкиб Мажнун жунунидан,

Детайлар, ўагадин кулма

Ўзингдан бўлмайин огоҳ.

Севинг, деб шеър битиб аввал,

Ўзим бўлдим асири ишқ,

Ўзи тушгай эмиш охир

Бировга кимки қазғай чоҳ.

Париваш зулмидан бўлди

Кўнгли мулки парипонҳол.

Демишлар мулк вайрондир

Агар золимлик этса шоҳ.

Бўлибсан ошиқ, Эркин,

Уз умид жондин, ўкинч қилмай,

Ўзингга, дейдилар, дупшман

Кейин чеккан шушаймон, оҳ.



ГУЛЧЕХРАЛАР

Эркин Вохидов

Гулчехра шоирларга

Гул бўлиб, гул-гул ёниб,
 Гулшан аро Гулчехралар,
 Гул узиб ўйнаб, кўйиб
 Гулга бино Гулчехралар.
 Кай бириси кай бирита
 Ошиқ эркан, бимадим,
 Гулми ё Гулчехраларга,
 Гулга ё Гулчехралар.
 Айтингиз, ким гул демас
 Кирса хиромон боғ аро
 Лабга ол суртиб, кўйиб
 Кўлга хино Гулчехралар.
 Куйга лаб очса улар
 Гулшанда булбул сайрамас,
 Бош эгиб тинглаб чаман
 Тўза наво Гулчехралар.
 Бунча ҳам оғил эканлар,
 Одилар аёлу хушим,
 Бунча ҳам дилга яқин
 Бу дилрабо Гулчехралар.
 Кай бирин ортиб кўйиб,
 Иўб, тенг экан шеър бобида
 Нодира, Маҳзуно
 Зебунисо, Гулчехралар.
 Бу чаман гулларга кондир,
 Очиллиб яшнанг мудом,
 Гул бўлиб, гул-гул ёниб
 Гулшан аро Гулчехралар.

Сенги шундай нафохорки

МУНДАРИЖА

Сенги	3
«Қаро қошинг»	4
Сенги	5
«То тирикдиларки табиат»	6
«Ой фонусин кўтарди осмон»	7
Қимни этмас бу кўнгли шайдо	8
Алтануш	9
Бир томчи ёш	10
Садоқат	11
Куйи аякида узамасин тор	11
Кеча ва кундуз	12
Тул билан йиғлабди булбул	13
Барча шодлик сенга бўлсин	14
Гулча	16
Сурма	17
Лола сайи	18
Йўб эмиш орада айб	19
Қимда иштидор йўқдир	20
Сенга бахтдан тахт тиларман	21
Хаё	22
Уйротмагил	24
Узум	25
Рашким	27
Дуторим тори иккидир	28
Севгини тортиб бўлурму	30
Ойнинг ўн бешин қоронғу	31
Саёр	32
Қало сарҳисоби	34
Гуллар бази	35
Бир гўзалким	37
Ўртада бетона йўб	39
Истақ	40
Қало шундай уммонки	41



Бир қадим.....	42
Навоний газалига муҳаммас.....	44
Керак бўлса.....	46
Турк гўзали.....	48
Сеғити келса.....	49
Сир айтар гунчага гунча.....	50
Биз англамаган жадон экан ишқ.....	51
Менда бор ишқ ичра фан.....	52
Юратингизда макон тутган ёш.....	53
Қитъа.....	54
«Кизим, бахтли кунда дунёга келиб».....	55
Соф ҳавонинг фойдаси.....	56
Ватан қадри.....	58
Богий хотира.....	59
Сен учун.....	60
«Сиз меннинг осмоним, муҳитимсиз».....	60
Мақбуртдо.....	61
Булоқ.....	64
«Учрашувга олиқадиган дутонанг».....	65
Йўллар.....	66
Муҳаббат бирда.....	67
Севги оташи.....	68
Йўл, ҳаёват истайман.....	69
Ёшанк.....	70
Юрак ва аёз.....	72
Май шери.....	74
Гўзаллик.....	76
Куттиш соғинари.....	77
Қиприкларим.....	78
Ойга.....	79
Дилдорга нова ёздим.....	80
Чашма.....	82
Қипрингиздан ўз узиб.....	83
Барт.....	84
Кўзинг.....	85
Банди зулф.....	86
Достонига ёз.....	87
Самар бўғай.....	88
Ҳижрон юки.....	89

Паритондлик.....	90
Жон талаш.....	92
Шоҳигула.....	93
«Ажаб ёшминки не қилдим».....	94
Фароқ ҳақида.....	95
«Ойдин кечда».....	97
Шаҳр аро.....	99
Уч бақодан сарқасин.....	100
Жон тутамайдир.....	101
На қилсин.....	102
Гуноҳинини ўп.....	103
Эа истиб тоқдай мени.....	105
Саккизинчи март.....	106
«Тинглайман кўп ўзбек сўзларин».....	108
«Париваш чедрасига берса оро».....	109
Вафо.....	110
Ишқ истисноси.....	119
«Садобат».....	120
Солданик.....	120
Тўй ошпониди.....	120
Баҳор муштаҳоди.....	121
Ҳазадин сеғитан қиз.....	122
Пилёда.....	124
Ўзини савод.....	126
Муборакбод.....	127
Менинг ёрим.....	128
Тонг газали.....	129
Дилда ишқ дарёчадир.....	130
Баҳона қилмас.....	131
Эй қабултар.....	132
Тола соч.....	133
Кўеп.....	134
Илҳори ишқ.....	135
Висол сонинчи.....	137
Масад боқим.....	138
Гулчедрадар.....	139
.....	140

ЭРКИН ВОҲИДОВ

СЕВГИ ШУҶДАЙ НАВБАҲОРИ

Шеърлар

Муҳаррир	<i>Дайно Ҳасанова</i>
Бадий муҳаррир	<i>Шавкат Нуромон</i>
Техник муҳаррир	<i>Нодира Аҳмедова</i>
Мусаххих	<i>Мирюсуф Муратович</i>
Кичик муҳаррир	<i>Зиёла Маҳаммадова</i>
Саҳифаловчи	<i>Шаҳбоз Сирожиддинов</i>

«O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент – 2018

Нашриёт лицензияси А1 № 160, 14.08.2009.

10.08.2018 да босишга рухсат этилди.

Коргоз бичими 84×108 ¹/₃₂. «UZ-Academy» гарнитураси

Офсет босма. 7,56 шартли босма таботи.

4,4 нашриёт-хисоб таботи. Адади 10 000 (1-завод 7 500)

18-бунёдта. Шартнома № 23–18

«O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти.

100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

МЧЖ «ПАК YO'LI POLIGRAF» босямаҳонасида чоп этилди.
100170, Тошкент ш., Авайхон кўчаси, 98А.